Bond: Облигация – қабул қилинган юридик тартиб қоидаларга мувофиқ равишда хусусий компаниялар ёки давлат томонидан чиқариладиган, қатъий белгиланган фоизга эга бўлган узоқ муддатли қимматбаҳо қоғоз. Облигация фоизлари одатда тенг вақт оралиқларида (ҳар ярим йилда) қарзни бутунлай тўлаб бўлгунга қадар қарзнинг қолган суммаси ҳисобидан тўланади.

Bond Rating: Облигациялар рейтинги – облигацияларни чиқарган ташкилотнинг тўлай олмаслик эҳтимолини баҳолаш услуги. Облигациялар чиқарувчи барча ташкилотларнинг, хоҳ корпорация, давлат идоралари бўлсин, молиявий барқарорлиги “Стэнвард & Пуэрз”, “Мудиз Инвесторз Сервиз” ва “Фитчез Инвесторз Сервиз” томонидан таҳлил қилинади. Улар облигацияларга “ААА”дан (тўланмасликнинг фавқулодда паст эҳтимоли) “Д”гача (тўловни кечиктириш) рейтингни тақдим этишади. Қўпгина мамлакатларнинг қонунлари бўйича “беғоналар пули” ни жойлаштириш билан шуғулланувчи инвестицион ташкилотлар “В” ва ундан паст рейтингга эга бўлган облигацияларни инвестиция қилиш ҳуқуқига эга эмас.

Bond Ratio: Облигациялар ҳиссаси – облигацияларнинг компания капиталидаги ҳиссасини ифодаловчи молиявий дастак коэффициенти. Бир йилдан кейин тўланиши керак бўлган облигацияларнинг умумий суммаси ўша суммага бўлинади ва унга хусусий капитал қўшилади. Облигациялар ҳиссаси 33% дан ошса, у йирик молиявий дастак ҳисобланади. Коммунал компаниялар бундан мустасно, уларда облигациялар ҳиссаси жуда юқори (қаранг: *Debt-Equity Ratio, Leverage*).

Bonus Shares: Мукофот пуллари, (имтиёзли) акциялар – нақд тўланиши лозим бўлган дивидендлар ўрнига компания акционерлари ўртаси-

да тақсимланган акциялар. Баъзан “акцияларни эркин чиқариш”, “капитализацион чиқариш” ёки “акциялар билан тўланадиган дивидендлар” деб номланиши ҳам мумкин. Корхонанинг тақсимланмаган даромадини акционерлик капиталига ўтказишнинг усулларида бири.

Book Value: Асосий капиталнинг қолдиқ қиймати; активларнинг баланс қиймати – бухгалтерия рўйхатларида ва балансда активлар кўрсатиладиган қиймат. Одатда бу харид нархидан амортизациянинг айрилганига тенг.

Book Value of a Fixed Asset: Асосий капиталнинг баланс қиймати – балансда кўрсатилганидек, маълум бир вақт давомида асосий капиталнинг пулда ифодаланган қиймати. Одатда харид қийматидан жамғарилган амортизациянинг айрилганига тенг бўлади.

Book Value of Shares: Акцияларнинг баланс қиймати – битта оддий акцияга тўғри келадиган хусусий капиталнинг (акционерлик капиталнинг тўланган қисми плус тақсимланмаган даромад) қиймати. Мазкур қиймат корхона балансида маълум бир давр мобайнидаги муомалага чиқарилган акциялар миқдорига бўлинган хусусий капиталнинг умумий суммасидир. Акциянинг баланс қийматини акция номинали, акциянинг бозор нархи, корхона тугатилаётгандаги унинг қийматидан фарқ қилиш лозим.

Break-Even Point (BEP): Зарар келтирмайдиган нуқта – ялпи даромад ялпи харажатларга тенг бўлганда, яъни ноль даромад ва ноль зарар нуқталари шароитида, операцияларнинг ҳажми ёки даражаси. Зарар келтирмасликнинг таҳлили (ёки харажатлар, ишлаб чиқариш ҳажми ва корхона фойдалилиги таҳлили) – бу ишлаб чиқаришнинг турли даражаларида харажатлар ва даромадлар ўртасидаги ўзаро муносабатларни ўрганиш услуги ва шунинг учун келгуси лойиҳаларни тайёрлаш ва таҳлил қилиш, шунингдек, уни амалга ошириш босқичида фойдали бўлади. Амортизацияни ҳисобга олганда барча операцион харажатларни қоплаш учун савдодан тушган пул етарли бўлса, даромад бўйича зарар кўрмаслик даражасига эришилади; агарда асосий активларнинг эскириш суммаси қарзни тўлаш учун зарур бўлган суммага алмаштирилса, пул оқимлари бўйича зарар кўрмаслик даражасига эришилади.

Business Finance: Бизнесни молиялаштириш – тижорат мақсадларида фойдаланиш учун нақд пул капитали билан таъминлаш. Компаниянинг капиталга бўлган эhtiёжи қисқа ва узоқ муддатли бўлиши мумкин. Қисқа ва узоқ муддатли капиталнинг асосий манбалари ички ва ташқи манбаларга ажратилиши мумкин. Бизнесни молиялаштириш манбаси бўлиб хизмат қиладиган асосий ташкилотларга тижорат банклари, кредит уюшмалари, ссуда-жамғарма ассоциациялари, факторинг компаниялари, ҳисоб уйлари, молия уйлари (саноат банклари) ва инвести-

цион банклар киради. Пенсия жамғармалари ва суғурта компаниялари бозорда муомалада бўлган қимматли қўғозларнинг катта қисмини ўзларида ушлаб туришади.

Business Plan: Бизнес режа – сотилаётган компания раҳбарияти (профessional консултантлар билан биргаликда) томонидан тайёрланадиган ҳужжат бўлиб, унда корхонанинг келгуси молиявий ҳолатини мустаҳкамлаш мақсадида корхонанинг ўтган, ҳозирги ва келгуси давр ҳолати батафсил ифодаланади. Бизнес режада корхона раҳбариятининг пухта таҳлили, унинг моддий, меҳнат, ишлаб чиқариш ва молиявий ресурслари, шунингдек, компаниянинг олдинги фаолияти тўғрисидаги маълумотлар ва компаниянинг бозордаги ҳозирги ҳолати ўз аксини топган. Бизнес режада, шунингдек, даромадлар ва зарарлар тўғрисида тузилган ҳисоботлар, баланс ва биринчи уч йил олдинга қилинган ба-шоратлар бўйича нақд пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисоботлар таништи-рилади ва узоқ муддатларга батафсил башоратлар қилинади.

Buy-Back: Қайта харид қилиш – компания акциялари қисмларига ҳақ тўлаш бўйича раҳбарият дастури. Бундай дастур акционерлар томони-дан тасдиқланган бўлиши керак. Бундай дастурнинг мақсади сингди-ришдан муҳофаза қилиш ёки у институционал инвесторлар томонидан ҳақ тўлашнинг вариантларидан бири сифатида фойдаланилиши мумкин (қаранг: *Treasury Stock*).

By-product: Тамроҳ маҳсулот – бошқа маҳсулот тайёрлаш йўналиши-да ишлаб чиқариладиган маҳсулот. Бу ишлаб чиқариш жараёнининг нормал натижасидир ва уни инкор этиб бўлмайди. Тамроҳ маҳсулот умумий ишлаб чиқариш харажатларининг қисми ҳисобланади, бунда уларнинг сотилишидан қутилган даромад ёки зарарлар нолга тенг.

Calendar Year: Календар йили – 31 декабрда тугалланадиган йил. Хў-жалик фаолиятининг кўпгина субъектлари учун календар йили ҳисоб-от йили ҳисобланади, лекин ҳисоботнинг айрим мақсадлари учун та-бийий хўжалик йилидан фойдаланилади (қар.: *Natural Business Year*).

Call: “Қолл”, тўлов талаби – акциялар нархининг тўланмаган қисми. Бундай ҳолат агар акцияга заявка берилганда, улар нархининг бир қис-ми тўланганда юз бериши мумкин, қолган қисми эса акцияларни бево-сита топширишда ёки корхона чиқарган акциялар бутунлай тўланма-ган бўлса юз беради.

Call Option: Харид опциони, “қолл” – қилишилган муддат давомида, одатда уч ой, дилердан, қайсики ўша муддатда бозор нархи бўйича шартнома тузувчидан акциялар сотиб олиш ҳуқуқини берадиган шарт-нома. Харид опциони комиссия дилерининг мазкур битимда акциялар қийматидан олишини назарда тутаяди. Бунга зид келадиган битимнинг кўриниши бу сотиш опциони ёки путдир (қаранг: *Option*).

Called-Up (Share) Capital: Тўланган акциянерлик капитали. Бу атама Буюк Британияда ишлатилади. АҚШда унга **Paid-in (Share) Capital** мос келади.

Capital: Капитал – фаолиятнинг у ёки бу соҳасида фойдаланиш учун қарздорлар (қарз капитали), унинг эгалари ёки акциядорлар (хусусий капитал) томонидан тақдим этилган муайян сўндириш муддатига эга қарзлар шаклида тақдим этилган барча ресурслар. Молиявий кўрсаткичларни таҳлил қилишда у “капиталлаштириш” атамасига мос келади.

Capital Asset Pricing Model (CAPM): Активлар нархини аниқлаш модели (услуги) – математик модел бўлиб, у таваккалчилик даражаси ва таваккалсиз активлардан келадиган даромад миқдори ўртасидаги нисбатни ҳисобга олган ҳолда қимматли қоғозларнинг нархи қандай бўлиши кераклигини аниқлашда қўлланилади. Модел юқори таваккалчилик шароитида инвесторларнинг юқори даромадни талаб қилиши эҳтимолига асосланади.

Capital Base: Компания капитали – ташкилотнинг жами капитали, яъни капитал + захира капитали (қаранг: **Capital Reserves**).

Capital Budgeting: Компаниянинг узоқ муддатли харажатлари бюджетини тузиш – келгуси нақд пул оқимининг жорий қийматларини аниқлаш асосида компания томонидан инвестицион лойиҳаларни танлаш жараёни ва уларни молиялаштириш бўйича қарорларнинг қабул қилиниши. Бюджетни тузиш жараёнида ҳақиқий ва режалаштирилаётган нақд пул оқимлари ва капитал харажатлар тенглаштирилади.

Capital Gains: Капиталнинг ўсиши, капитал даромади – тақсимланмаган даромадни реинвестиция қилиш натижасида хусусий акциядорлик капитали қийматининг ўсиши. Капиталнинг ўсиши юқори дивиденд олиш билан эмас, балки акциялар бозор қийматининг ўсиши билан ифодаланади. Акциядорлик капитали қийматининг ўсиши бефойда капитални, масалан, ер олиб сотиш ёки улар таклифининг чекланганлигидан улар қийматининг натижаси сифатида ифодаланади.

Capital Goods: Ишлаб чиқариш воситалари (машина ва жиҳозлар).

Capital Intensive: Капиталталаб – сотишдан тушган даромадларга нисбатан кўпроқ капитал қўйилмаларга эга компаниялар хусусияти.

Capital Issue: Капитални муомалага чиқариш – инвестицион харажатларни (капитал қўйилмалар) молиялаштириш учун қимматли қоғозларни муомалага чиқариш.

Capital Lease: Молиявий ижара – ижара шартномасига асосланган ҳолда компания назорати остидаги объект. Молиявий ижара компания активлари сифатида қаралади.

Capital Loss: Капитал зарарлари – асосий капитал элементларини сотишдан тушган пул уларни сотиб олиш қийматидан кам бўладиган суммаси (қаранг: *Tax Loss; Carryback, Carryforward*).

Capital Market: Қарз воситалари бозори, капитал (узоқ муддатли, ссуда) бозори – молия бозори бўлиб, унда облигациялар, гаров хатлари ва ҳоказолар шаклида ўрта ва узоқ муддатли қарз мажбуриятларини сотиш ва харид қилиш бўйича операциялар амалга оширилади. Асосан қисқа муддатли молиялаштириш операциялари амалга ошириладиган пул бозоридан фарқли равишда қарз воситалари бозоридаги операциялар биржаларга ўхшаш махсус ташкил этилган бозорларга қаратилади. Тўлов муддати бир йил ва ундан ортиқ бўлган қарзлар одатда капитал (қарз воситалари) бозоридан, бир йилдан кам муддатга эга бўлган қарзлар эса пул бозоридан олинади. Шундай қилиб, бу иккала бозорлар ўртасидаги умумий фарқ шуки, қарз воситалари бозорида капитал товарларини харид қилишни молиялаштириш учун операциялар одатда корхоналар, молия ташкилотлари ва давлат томонидан амалга оширилса, пул бозорида эса ишлаётган капиталдаги корхоналарнинг жорий эhtiёжлари қаралади (қаранг: *Money Market*).

Capital Reserves: Заҳира капитали – тўланган акциядорлик капиталига таалуқли бўлмаган хусусий акциядорлик капиталининг қисми ҳисобланади. У, шунингдек, қуйидагиларни ўз ичига олган тақсимланмаган даромадга ҳам таалуқли эмас: а) акцияларни қайта муомалага чиқаришдан олинган қўшимча суммалар (номиналдан юқори); б) акциялар қийматининг ошиши натижасида пайдо бўладиган харажатлар; в) тақсимланмаган даромадни нақд пул билан эмас, балки акциялар билан тўланган капиталга ўтказиш натижасида пайдо бўладиган сумма.

Capital Structure: Капитал таркиби – корпорациянинг молиявий асоси бўлиб, ўз ичига узоқ муддатли қарздорлик, имтиёзни, акциялар ва хусусий капитални олади. Ўз ичига қисқа муддатли қарздорлик, кредиторлик қарздорлиги ва бошқа шу каби молиялаштиришнинг қўшимча манбаларини олган молиявий таркибдан фарқ қилиши лозим (қаранг: *Debt-Equity Ratio*).

Capitalization: Капитализациялаштириш – корхонанинг чиқаришга рухсат этилган акция ва облигацияларнинг умумий номинал қиймати.

Capitalize: Капиталлаштирмоқ – активларни сотиб олиш харажатларини маҳсулот ишлаб чиқариш харажатлари сифатида эмас, балки тегишли активлар моддаси сифатида қайд этиш; тегишли даромад (фойда) олинганда, кейинги ҳисобот даврида маҳсулот таннархига (харажатларга) ёзиб қўйилади.

Capital Stock: Акциядорлик капитали – акциядорлар томонидан кири-тилган суммани ифодаловчи баланс пассивининг қисми. Тақсимланма-ган даромад билан биргаликда хусусий капитални ташкил этади (қаранг: *Equity Capital*).

Capital Turnover: Айланма, капитал айланмаси – йиллик сотиш ҳажми-ни доимий капиталга бўлиш натижасида ҳосил бўладиган коэффицент.

Carryback, Carryforward: Ўтган ва келгуси солиққа тортиладиган даромадни қайтадан ҳисоблаб чиқиш (қаранг: *Tax Loss Carryback, Carryforward*).

Carryover: Келгуси солиққа тортиладиган даромадни қайтадан ҳисоб-лаб чиқиш (қаранг: *Tax Loss Carryback, Carryforward*).

Cash: Нақд пул капитали – жорий активлар таснифланувчи пул воси-талари, айланма пул ўтказишлари ва чеклар.

Cash-Basis Accounting: Бухгалтерия ҳисобининг касса услуги – бух-галтерия ҳисобидан фарқли равишда қўшиб ҳисоблаш услуги, яъни таъминлаш бўйича ҳақиқатдан нақд пул тушганидан сўнггина бухгал-терия ҳисобида ҳўжалик операцияларининг акс этиш услуги.

Cash Flow: Нақд пул ҳаракати, соф хусусий воситалар, пул оқими – маълум бир муддат давомида фирманинг нақд пул тушумлари ва унинг нақд пул ҳаракатлари орасидаги фарқ. Баъзан харажатлар ман-фий нақд пул оқими деб аталади. Маълум бир муддат давомида фир-манинг ялпи нақд пул оқими бу даврдаги ялпи даромад ва қўшилган амортизация суммасига тенг. Соф нақд пул оқими солиқларни тўла-гунча ёки тўланганидан кейинги тақсимланмаган фойда ва қўшилган амортизация суммасига тенг.

Лойиҳа бўйича соф нақд пул оқими одатда солиқ тўловлари, жўнати-лиши, эксплуатация ва таъмирлашнинг барча харажатлари тўланган-дан сўнг, ишловчи капиталдан кейин, шунингдек, лойиҳани амалга ошириш муддатининг тугаши даврида активларнинг ҳар қандай қол-диқ қиймати ёки лойиҳа ё бизнесга қўшиб ҳисобланган бошқа фойдани ҳисобга олган ҳолда, нақд пул оқими сифатида аниқланади.

Кенг молиявий маънода – у жорий ҳисобот даврида нақд пул восита-лари тушумига таъсир этувчи барча омилларнинг таълилидир. Одатда нақд пул тушумининг манбалари ва унинг фойдаланиш соҳалари қўр-сатилади. Агар ташкилотга нақд пул маблағлари (қўпроқ тушса) чиқиб кетишга нисбатан қўпроқ тушса, биз буни ижобий (мусбат) пул оқими деб атаймиз, акс ҳолда пул оқими манфий бўлади. Ҳатто капиталнинг активлари мажбуриятларидан сезиларли даражада қўп бўлиб, жорий мажбуриятларни тўлаш учун етарли миқдордаги нақд пул маблағлари бўлмаса ҳам, компания банкрот бўлиши мумкин.

Cash Flow Statement: Нақд пул ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот (қаранг: *Cash Flow, Funds Flow Statement*).

Cash-In-Bank: Банкдаги нақд пул миқдори – банк депозитларидаги пул маблағларининг суммаси бўлиб, уларни ҳеч қандай шартларсиз ҳисоботдан чиқариш мумкин.

Cash Ratio: Ликвидлик коэффициенти – нақд пул капитали ва осон айирбошланидиган қимматбаҳо қўғозлар суммасининг жорий мажбуриятларга нисбати (қаранг: *Liquidity Ratios*).

Certificate of Deposit (CD): Депозит сертификати – банк томонидан чиқарилган сертификат бўлиб, фоиз келтирувчи муддатли депозит эканлигини тасдиқлайди. Депозит сертификатлари қимматбаҳо қўғоз бўлиб, улар номиналдан паст баҳода сотиб олинади, банк депозит суммасини қайтариш ҳақидаги ваъдаси ва сертификат муддатини туғатиш шариоитида даромад олишни таъминлашдан иборат.

Халқаро банк операцияларида депозит сертификатларининг иккиламчи бозори мавжуд. Бундай сертификатлар биринчи марта АҚШ банклари томонидан чиқарилган (1966 йилдан – Европа бозорларида). Улар асосан уч ойдан беш йилгача бўлган муддатларга эга.

Certificate of Incorporation: Компанияни рўйхатга олиш тўғрисидаги гувоҳнома – корхона маълум юридик талабларни бажарганидан сўнг регистр томонидан бериладиган ва компаниянинг юридик мавжудлигини тасдиқловчи ҳужжат.

Check (cheque): Чек – банкка ҳужжатда белгиланган суммани шахсга ёки уни кўрсатувчига тўлаш ҳақидаги йўриқнома; одатда чек депозитидаги суммага ёзилади ва у кўрсатилганда тўланиши шарт; у қақилмайди ва акцепт талаб қилмайди. Чекка санани ёзиш шарт бўлмасад, одатда ёзилади.

CIF (Cost, Insurance, Freight): СИФ (қиймат, суғурта, фрахт) – сотиш ёки сотиб олиш нархи ўз ичига юк ортиш ва тушириш ишлари, суғурта, хорижий портгача, яъни махсулот ишлаб қақарилган давлатга нисбатан хорижий порт, товарни кемада етказиб бериш харажатларини ўз ичига олади. СИФ атамасидан сўнг одатда белгиланган порт номи кўрсатилади – СИФ Бомбей ёки СИФ Лагос.

Claim: Талаб – компанияга нақд пул маблағлари ёки кредит тақдим этган кредиторлар ёки бошқа шахсларнинг талаб қилишлари мумкин бўлган суммаси.

Claw-Back Provisions: Келгуси даромадда сотувчининг иштирок этиш шарт-шариоитлари – корхонани сотиш тўғрисидаги келишувда қатор шарт-шариоитлар бўлиб, уларга биноан сотувчи келгуси фойдадан, ма-

салан, мулкни сотишдан келган фойданинг бир қисмини олиш ҳуқуқига эга бўлади. Сотувчининг келгуси фойдада иштирок этиши шарти билан ва келгуси фойдага оид нархлар билан боғлиқ бундай шарт-шароитлар ҳаққоний кийматлардан паст нархларда ҳақ тўлаш шароитида сотувчи-ташкilot акционерларини активларни топширишдан ҳимоя қилади.

Closed Economy: Ёпиқ иқтисодиёт – бошқа мамлакатлар билан савдо ёки молия муносабатларини ўрнатмаган мамлакатнинг иқтисодиёти. Ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг катта қисми экспортга ва ички харажатларнинг катта қисми эса импортга ҳақ тўлашга йўналтирилган ҳолда ёпиқ иқтисодиёт тушунчасини ифодалайди.

Closed-End (Investment) Fund, Company(CEIC): Ёпиқ турдаги инвестицион компания (жамғарма) – белгиланган миқдордаги акцияларни муомалага чиқарувчи инвестицион компанияларга нисбатан АКШда қўлланиладиган атама. Чиқарилган акциялар компания (жамғармалар) портфелида иштирок этиш ҳиссасини ифодалайди. Бу жамғарманинг янги акциялари муомалага чиқарилиши мумкин эмас (қаранг: *Investment Company, Fund; Open-End (Investment) Fund, Company*).

Closing Entries: Якуний проводкалар – журналдаги ёзувлар бўлиб, улар ёрдамида маълум бир муддат давомида даромадлар ва харажатлар ҳисоби бўйича сальдо компаниянинг хусусий капитал моддасига ўтказилади.

Collateral: Таъминот, гаров – қарзни тўлашни кафолатлайдиган, қисман ёки тўлиқ таъминлаш сифатида хизмат қилувчи шахсий ёки қўчмас мулк. Суда ёки қарзларни тўлашни таъминлаш сифатида қўйилган корхона активлари.

Commodity: Товар – қўпроқ хом ашё сифатида кишлоқ хўжалиги маҳсулотлари маъносида ишлатилади (масалан, кофе, пахта ва каучук). Иқтисодий назарияларга биноан товар бозорда муомалада бўлади ва маълум эҳтиёжларни қондиради. Товар ҳақиқий, яъни моддий маҳсулот қўринишида ва номоддий бўлган хизматлар қўринишида бўлиши мумкин.

Commodity Exchange: Товар биржаси – оммавий товарлар сотиладиган ва харид қилинадиган махсус ташкил этилган бозор. Товарларни айирбошлаш талаб этилмайди; мулк ҳуқуқлари муомалада бўлади. Товар биржасида спот битимлари тузилганидек, келажакда маълум бир муддатга ва жойга етказиб бериш битимлари форвард битимлари тузилади; булардан ташқари, фьючерс битимлари ҳам тузилади.

Common Stock-U.S (Ordinary Shares-U.K.): Оддий акция – бундай акцияларга эгалик қилиш дивидендлар тўлаш ёки компаниянинг тугатилиши жараёнида активларни тақсимлашда имтиёزلарга эга бўлиш ҳуқуқини бермайди. У тўланган акциядорлик капиталининг қисми ҳи-

собланида, талаб қилиш ҳуқуқи кредиторлар (талаб) ва имтиёзли акциялар эгаларининг талаблари қондирилганидан сўнг қондирилади.

Company (U.K): Компания, жамият, фирма – юридик шахс ҳисобланувчи ва тижорат ёки ишлаб чиқариш фаолиятини олиб бориш мақсадида ташкил этилувчи акциядорлик жамияти одатда назарда тутилади. Унинг капитали компания иштирокчилари – акциядорларга тегишли бўлган акцияларга бўлинади. Акциядорлар компания фаолиятини назорат қилишади, шунингдек, акциядорларнинг йиллик йиғилишларида компания фаолиятида бевосита раҳбарликни амалга оширувчи директорлар кенгаши сайловида овоз бериш ҳуқуқига эга (қаранг: *Limited Liability, Private Company, Public Company*).

Company Law: Компаниялар тўғрисидаги қонун – корпорациялар сифатида рўйхатга олинган корхоналарни ташкил этиш ва фаолият юритишни назорат қилувчи қонун. Яқка бошқариш ва шерикчиликдан фарқ қилган ҳолда, корпорация чекланган молиявий жавобгарлик таъминлаш асосида қурилади ва солиқларини тўлаш ва молиялаштиришни таъминлашда устунликка эга бўлади.

Competition Policy: Рақобат муҳитидаги сиёсат – рақобатни қўллаб-қувватлаш ва истеъмолчиларни монополиядан ҳимоя қилишга йўналтирилган ҳукумат тадбирлари мажмуи. Рақобат муҳитидаги сиёсат: а) рақобат даражасини камайтирувчи фаолиятни назорат қилиш; б) давлат назорати ёрдамида етакчи компанияларни назорат қилиш; в) алоҳида тармоқлар монополизациясидан қутилиш мақсадида компанияларнинг бирлашиши ва пайдо бўлишини назорат қилиш бўйича тадбирларни ўз ичига олиши мумкин.

Compound Interest: Мураккаб фоизлар – пул қўйиш ёки қарзнинг асосий суммасига, шунингдек, олдинроқ олинган фоизлар суммасига қўшиб ҳисобланган фоизлар. Йиллик 10 % даромад асосида 100 сўм ҳисобига қўйилса, 1-йил охирида бу сумма 110 сўм, 2-йил охирида 121 сўмни ташкил этади. 1-йилдаги 10 сўмдан фоиз тарикасида қўшиб ҳисоблаш натижасида олинган қўшимча 1 сўм мураккаб фоизларнинг қўлланганидан далолат беради. Бу мисол мураккаб фоизнинг йиллик ҳисобланганини кўрсатади. Мураккаб фоизлар, шунингдек, қўнлик, чораклик, ярим йиллик ва бошқа ҳисоблар асосида ҳисобланиши мумкин.

Concentration: Концентрация – у ёки бу тармоқ иқтисодий фаолиятининг савдо ёки бошқа муҳим жиҳатларнинг сезиларли ҳиссасини қамсонли компаниялар қўлида тўпланиш даражасини аниқлайди. Агарда тармоқда сотиш ҳажмининг 85 % тўртта компания ҳиссасига тўғри келса, концентрация юқори ҳисобланади. Концентрация коэффиценти билан ўлчанган концентрация даражаси бозор тузилмасининг таянч

элементини ифодалайди ва сезиларли даражада рақобатнинг хусусиятлари ва натижаларини аниқлайди. Концентрациянинг максимал даражаси – бу бозорда яқка сотувчи, монополия мавжуд бўлганда юз беради. Кўпгина саноати ривожланган мамлакатлардаги бозорларнинг катта қисми олигополия ва монопол рақобат жиҳатларига эга (қаранг: *Concentration Ratio*).

Concentration Ratio: Концентрация коэффиценти – тармоқнинг қандай қисми унда устунлик қилувчи кам сонли фирмаларга тўғри келишини кўрсатиш учун мўлжалланган коэффицент. Бу мақсадда бир қанча коэффицентлар ҳисобланиши мумкин. Масалан, фирманинг товар айланмаси асосида бандлик миқдори ёки ишлатилаётган капитал суммаси. Тармоқдаги ҳар бир фирманинг бозордаги ҳиссаси суммасининг квадрати тарзида аниқланадиган умумий индекс, Герфиндаль индекси ҳам мавжуд.

Conservatism (Concept): Консерватизм – бухгалтерларнинг даромадларни ошириш ва зарарларни камайтириш, шунингдек, активлар қийматини кўтариш ва мажбуриятларни пасайтиришга бўлган интилишларини акс эттирувчи концепция. Консерватизм қуйидаги қоида бўйича ифодаланиши мумкин: “Даромадлар фақат ҳақиқатдан олингандагина қайд қилиниши, зарарлар эса уларнинг намоён бўлиш эҳтимоли пайдо бўлганда қайд этилиши лозим”. Бундан ташқари, сирли ёки яширин захираларни оширилган харажатлар шаклида жамғаришни эътиборга олмайди. Бу ёндашув ўз йўналишида ҳолислик тамойилига зид келади. Консерватизм концепцияси қуйидагича шаклланиши мумкин – фақат имкон туғилган пайтдагина хусусий капиталнинг қўпайишини тан ол; фақат амалда мумкин бўлгандагина хусусий капиталнинг камайганлигини тан ол.

Consistency: Мунтазамлик (доимийлик) – бу тамойилга биноан битимларнинг у ёки бу кўринишлари учун турли ҳисобот даврлари учун бухгалтерия ҳисобининг фақат ўша услубларидан фойдаланиш зарур. Бу тамойилдаги ҳар қандай хато молиявий ҳисобот ҳужжатларининг эслатмалари акс этиши ва аудитор томонидан баҳолалиши лозим. Масалан, эскиришни тўғри қизикли ҳисобдан чиқаришдан тезлашган амортизация услубига ёки вақт жиҳатидан биринчи харидлар нархи бўйича товар моддий захираларини баҳолаш услубидан – ФИФО (биринчи бўлиб харид қилинган, биринчи бўлиб фойдаланилган) захираларни баҳолаш услуби – ЛИФОга (охирги бўлиб харид қилинган – биринчи бўлиб фойдаланилган) ўтиши эслатмаларда акс этишини талаб қилади ва бундан сўнг етарлича узоқ муддат давомида янги услубдан фойдаланиш зарур. Агар бухгалтерия ҳисоби услубининг ўзгариши шарт-

ларнинг ўзгаришига олиб келган бўлса (масалан, асосий капиталнинг фойдали хизмат муддатлари), унда мунтазамлик (доимийлик) таъминланди.

Consolidated Balance Sheet: Жамланма (йиғма) баланс – шундай баланси, унда бош фирманинг активлари ва мажбуриятлари бош фирмага тегишли бўлган ва томонидан йиғиладиган шўба корхоналарнинг тегишли моддалари билан бирлаштирилади. Бу ҳолда бош ҳамда шўба фирмалар ягона иқтисодий бирлик ҳисобланишини таъкидлаш жоиз.

Consolidated Income Statement: Фойда ва зарарлар тўғрисидаги жамланма (йиғма) ҳисобот – одатда бош ва шўба фирмаларининг фойда ва зарарлари тўғрисидаги ҳисоботларини бирлаштирувчи ҳамда уларнинг ҳўжалик фаолиятлари натижаларини ягона иқтисодий бирлик сифатида тақдим этувчи ҳисобот.

Consolidated Statements: Жамланма ҳисоботлар – яқка иқтисодий субъект сифатида барча корпоратив гуруҳлар учун молиявий ҳисоботлар. Гуруҳ бош ва шўба компаниялардан иборат (қаранг: *Consolidated Balance Sheet, Consolidated Income Statements*).

Consumer Good: Истеъмол товари – яқуний шахсий истеъмол учун ҳар бир шахс томонидан сотиб олинadиган иқтисодий товар. Истеъмол товарлари ўз ичига узoқ муддат фойдаланиладиган товарни, масалан, музлаткичларни олгани каби, шунингдек, дарров истеъмол қилинадиган товарларни, масалан, нон ёки шоколадни, ҳам олади. Оилада фойдаланиш учун харид қилинган автомобил ёки компьютер истеъмол товарлари ҳисобланади, лекин корхона учун харид қилинган айнан шу товарлар ишлаб чиқариш воситалари сифатида қаралади.

Consumers' Preference: Истеъмолчиларнинг диди (афзал қўришлари) – истеъмолчиларнинг товарлар ва хизматларни танлашларини аниқлайдиган муносабат. Битта товар, масалан, банан истеъмолчига олмага нисбатан афзал бўлса, яъни истеъмолчига фойдалироқ бўлса, эркин бозор иқтисодиёти шарт-шароитларида товарларга нисбий нархлар билан биргаликда истеъмолчиларнинг диди мавжуд ўринбосарлар ўртасида истеъмол харажатларининг тақсимланишига таъсир этади. Шундай қилиб, турли товарлар ишлаб чиқариш ўртасида чекланган ресурслар миқдорини тақсимлаш, ишлаб чиқариш характери, ишлаб чиқариш омиллари нархи, шунингдек, истеъмолчилар диди, яъни улар қўпроқ қайси товарни афзал қўришларига боғлиқ бўлади.

Contingency Asset: Шартли активлар – шундай активларки, уларнинг мавжуд бўлиши, қиймати ва уларга эгалик қилиш ҳуқуқи келажакда содир бўладиган ёки бўлмайдиган маълум ҳодисага боғлиқ. Масалан,

суғурта полисида бенефициар сифатида тайинланган шахслар учун мазкур суғурта полиси шартли актив бўлиб ҳисобланади.

Contingent Liability: Шартли мажбуриятлар – шундай мажбуриятларки, уларни амалга ошириш келажақда содир бўладиган ёки бўлмайдиган маълум ҳодисага боғлиқ. Масалан, суд жараёнидаги мағлубият суд харажатлари сифатида маълум бир суммани тўлаш мажбуриятини белгилайди.

Convention Cost: Қайта ишлаш қиймати – ишчи кучи қиймати ва хом ашёни тайёр маҳсулотга қайта ишлашдаги қўшимча харажатлар.

Convertible Redeemable Participating Preferred Ordinary Shares (CRPPOs): Сотиб олиш ва иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган конвертирланадиган имтиёзли акциялар – шундай акциялар синфики, корхона сотиб олинаётганда уларни молия муассасалари имзолашади. Бундай акцияларнинг амал қилиш шартлари молиявий ташкилотларга доимий равишда дивидендлар капитал фойдасидаги улушини олиш, шунингдек, компаниянинг хусусий капиталида раҳбарлик улушини қўпайтириш ёки камайтириш имконини беради. Бундай акцияларнинг эгаси белгиланган ва одатда кумулятив дивидендларга, шунингдек, фойда қолдиғидаги дивидендларни олишда иштирок этишда бирламчи ҳуқуққа эга. Мазкур акциялар оддий акцияларга айлантирилиши ёки олдидан белгиланган мезонлар асосида сотиб олиниши мумкин. Бундай акцияларнинг сотиб олиниши раҳбарият қўлларидаги акциялар миқдорининг ўзгариши тўғрисидаги изоҳни амалга ошириш воситаси сифатида қисман ёки тўлиқ фойдаланилиши мумкин (қаранг: *Equity Ratchet*).

Corporate Raider; Raider: “Налётчик” – ўз назорати остига олиш ва бошқариш мақсадида компания акцияларини сотиб олувчи шахс. Компаниялар акциясининг назорат пакетига эга бўлиш.

Corporate Restructing: Тузилманинг ўзгариши, корхонанинг қайта тузилмаси – мулк шакллариининг, молиялаштириш ва корхона активларини бошқаришнинг ўзгаришини ифодаловчи кенг тушунча.

Corporation (U.S.): Корпорация – хўжайинларига боғлиқ бўлмаган ва улардан ажратилган, федерал ёки штатлар ҳокимияти розилиги билан ташкил этилган юридик шахс бўлиб, у мулкнинг эгаси бўлиши мумкин, ссуда ва заёмлар олиши мумкин, ссуда даъвогар ёки жавобгар сифатида иштирок этиши мумкин. Учта фарқ қиладиган жиҳатлари бор: 1) чегараланган жавобгарлик (мулкдорлар фақат инвестиция қилган нарсаларни йўқотишлари мумкин); 2) акцияларни сотиш йўли билан мулкни эркин ўтказиш; 3) мавжуд бўлишнинг узлуксизлиги. Ташкилотларнинг бундай шакли мулкдорлар (акциядорлар) сонини қўпайтириш ҳисобига капиталини осон жалб этишга имкон берганлиги учун ҳам оммавий ҳисобланади, акциядорлар эса бизнеснинг ривожланиши билан фойда олишади.

Corporatization: Корпоратизация – компанияни корпорация шаклида ташкил этиш. Хусусийлаштириш жараёнидаги босқич ҳисобланади (қаранг: *Company, Corporation*).

Cost: Қиймат (таннарх) – маҳсулот ишлаб чиқариш учун сарф қилиниши лозим бўлган ишлаб чиқариш омилларининг қиймати. Қиймат – бу сиз фидо қиладиган ва товарлар ёки хизматларга эга бўлиш учун тўла-ниши лозим бўлган сумма ёки тўланган нарх сифатида аниқланадиган сумма. Маълум мақсадларда ишлатилган воситалар миқдорининг пулдаги ифодаси.

Cost Accounting (Costing) and Cost Control: Харажатларни ҳисобга олиш ва назорат қилиш – шундай иш жараёники, унинг ёрдамида фирманинг харажатлари ишлаб чиқарилган маҳсулот ҳажми билан муносабатда бўлади. Харажатларнинг ҳисоби бошқариш ҳисобининг тизими-га келади ва ўз ичига тасниф, жамлаш, ҳисоб ва ҳисоботда акс этиш, шунингдек, жорий ва башорат қилинаётган харажатларнинг тақсимла-нишини олади. Харажатлар ҳисоби молиявий ҳисоб билан жуда ҳам боғлиқ, лекин шу билан бирга, таркибий элементлар бўйича харажат-ларнинг ажратилганлигига ва нархни белгилаш, ишлаб чиқариш жараё-нини назорат қилиш, сметаларни бажариш, маҳсулот ишлаб чиқаришда ишчи кучи ва хом ашёдан фойдаланиш мақсадида улар қанча миқдорда тайёр маҳсулот таркибига кирганлигига катта эътибор қаратади.

Cost-Benefit Analysis: Харажатлар ва фойда таҳлили – инвестицион лойиҳаларни баҳолаш услуги бўлиб, бунда лойиҳа билан боғлиқ бўл-ган барча ижтимоий ва молиявий харажатлар ва фойда ҳисобга олина-ди. Ижтимоий харажатлар ва фойдани пулда ифодалашга интилиш жараёнида ўзига хос муаммолар тез-тез пайдо бўлади. Масалан, темир йўл қурилиши муносабати билан табиат пейзажи расмининг бузили-шини қандай баҳолаш мумкин. Баъзи ҳолларда баҳолаш учун бозор нархи ҳам қўлланила олмаслиги мумкин. (Масалан, ишсизликнинг юқори суръатдалиги натижасида ишчи кучининг амалдаги қиймати мавжуд иш ҳақидан паст бўлиши мумкин). Муқобил лойиҳага нисба-тан баҳолашда харажатларнинг камроқ миқдори акс эттириш учун ҳисоб ёки шартли нархдан фойдаланилади (қаранг: *Accounting Price, Opportunity Cost, Shadow Price*).

Cost Concept: Дастлабки қиймат (сотиб олиш қиймати) бўйича ҳисоб концепцияси – ҳисобга олишда активларнинг бозор қиймати эмас, балки уларга эга бўлишнинг амалдаги қиймати инобатга олинади.

Cost of Capital: Капитал қиймати – маълум бир бизнес фаолиятида ишлатилаётган капиталга тўланадиган фоиз ставкаси. Одатда капитал бир нечта манбалардан жалб этилгани учун хусусий капитални ҳи-

собга олган ҳолда ишлатилаётган капиталнинг умумий суммасида ҳар бир капитал манбасининг ҳиссаси ҳисобга олингани билан ўртача тортилган миқдор тарзида капитал қиймати аниқланади.

Costs of Goods Sold: Сотилган маҳсулот харажатлари (қар.: *Cost of Sales*).

Cost of Sales: Сотилган маҳсулот харажатлари – маълум бир ҳисобот давридаги молиявий ҳисобот ҳужжатларида кўрсатилган даромадни таъминловчи сотилган маҳсулотнинг таннарихи.

Cost-Plus: Харажатлар-плюс – нарх белгилаш услуги бўлиб, унга қўра мол етказиб берувчи кўрсатган хизмати учун маълум бир фоизни ёки мутлақ қўринишдаги келишилган суммани товар ёки хизматлар таннарихига қўшади. Бундай услуб одатда (олдиндан таннарихни аниқлаш қийин бўлганда) маълум бир фаолият турига нисбатан ишлатилади, масалан, янги технологияларни тайёрлаш ва жорий этишда, олдиндан таннарихни аниқлаш қийин бўлганда. Харажатлар-плюс услуги, шунингдек, юқори рақобатли тармоқларда нархларни ҳисоблаш учун ҳам ишлатилади. Агар нархларни аниқлашнинг бошқа услубларини қўллаш қийин бўлса, товарни сотиб олиш қийматига ялпи фойда суммаси ёки маълум бир қўшимча баҳо қўшилади. Бундан ташқари, рақобат бозорда шундай амал қиладики, бунда маржинал харажатлар одатда маржинал даромад суммаси миқдорига яқинлашади (қаранг: *Marginal Cost, Marginal Revenue, Mark-up Pricing*).

Cost Schedule: Харажатлар схемаси – ўз ичига ишлаб чиқаришнинг турли босқичларидаги барча ишлаб чиқариш харажатларини олади ва бунинг асосида маржинал ва ўртача харажатлар ҳисобланади, шунингдек, харажатларнинг эгри чизиги чизилади. Амалиётда харажатлар схемаси ёки шунга ўхшаш нархлар схемасини тузиш, айниқса ишлаб чиқариш маҳсулотининг кенг номенклатурада эканлиги, ишлаб чиқариш ва харажатлар ҳар доим ҳам чизикли боғланмаганликлари учун қийин бўлади.

Covenant: Ковенант – корхонани сотиб олиш жараёнида келишилаётган, кўрсатиб ўтилган шарт-шароитлар, масалан, пул оқимининг маълум бир даражаси ёки кўрсатилган баланс коэффициентлари (турли моддалар нисбати) ёки корхонанинг молиявий имкониятларини қўллаб-қувватлаш мақсадида белгиланган капитал қўйилмаларнинг сақланиб қолганлигини ва муваққиятларини назарда тутувчи талаб.

Credit (noun): Кредит – бухгалтерия ҳисобининг ўнг томони ёки ҳисобнинг ўнг томонида ёзилган сумма.

Credit (verb): Кредитламоқ – ҳисобнинг ўнг томонига ёзувларни қайд этиш.

Creditor: Кредитор – пул ёки товар қўринишдаги қарзларга эга бўлган жисмоний ёки юридик шахс; кредит тақдим этувчи шахс.

Critical Path Analysis: Ишлаб чиқариш давомийлигининг танқидий таҳлили – ишлаб чиқариш схемасини режалаштириш ва таҳлил қилиш услуги бўлиб, бунда маҳсулот ишлаб чиқариш жараёнидаги ҳар бир алоҳида операциялар давомийлигига олдиндан баҳо берилади. Маълум бир маҳсулотни ишлаб чиқариш бир қатор алоҳида операцияларнинг бажарилишини талаб қилади, уларнинг баъзилари параллел равишда бажарилса, айримлари олдинма-кетин амалга оширилади. Танқидий таҳлил ёрдамида энг кўп вақт талаб қиладиган ишлаб чиқаришнинг имкон қадар энг қисқа муддати аниқланади.

Cross-Price Elasticity of Demand: Талабнинг ҳар томонлама эластиклиги – бирор бир товарга бўлган нархнинг ўзгариши натижасида бошқа бир товарга бўлган талабнинг ўзгариш даражаси. Ҳар томонлама эластиклик бирор бир товарга нарх 1% га ўзгариши натижасида бошқа бир товарга талабнинг фоиздаги ўзгариши тарзида аниқланади. Бир-бирини тўлдирувчи икки товар, масалан, автомобил ва автопокришка бўлганда, унда талаб эластиклиги манфий, агар товарлар ўринбосар бўлса, масалан, ёғ ва маргарин, унда товар эластиклиги мусбат бўлади.

Cross-Subsidization: Ҳар томонлама субсидия бериш – зарар кўрсатётган ёки кам фойда кўрувчи тармоқларга фойда келтирувчи тармоқлардаги ресурсларни қайта тақсимлаш ҳисобига субсидиялар бериш.

Currency Appreciation: Валютанинг қимматлашиши – сузувчи валюта курслари тизимида бир валютанинг бошқа валютага айирбошлаш курсининг ошиши. Катъий валюта курслари тизимида айирбошлаш курсининг ошиши ревальвация дейилади. Масалан, доллар курсининг DM 1,5 дан DM 1,7 гача ошди (қаранг: *Appreciation*).

Currency Depreciation: Валютанинг арзонлашиши – сузувчи валюта курслари тизимида бир валютанинг бошқа валютага айирбошлаш курсининг тушиши. Катъий валюта курслари тизимида айирбошлаш курсининг тушиши девальвация дейилади.

Current Assets: Жорий (қисқа мудатли) активлар – нақд пул миқдори ва нақд пул шаклига ўтказилиши кутилаётган ёки яқин келажакда, одатда бир йил давомида ишлатиладиган активлар.

Current Liabilities: Жорий (қисқа мудатли) мажбуриятлар – қисқа мудат давомида, одатда бир йил мобайнида тўлаш муддатлари келадиган мажбуриятлар.

Current Ratio: Қоплаш (тўлов қобилияти) коэффициенти – компания баланси бўйича аниқланадиган жорий активлар ва қисқа мудатли (жорий) мажбуриятларнинг нисбати. Тўлов қобилиятининг (ликвидлик) умумий кўрсаткичи (қаранг: *Acid Test*).

Days' Receivables: Кредитнинг ўртача муддат назорати (дебиторлик қарздорлиқни сўндиришнинг ўртача муддати) – ўртача ҳисобда ҳисобот йили давомида реализация қилинган товарлар (маҳсулотларнинг) "дебиторлик қарзи" моддасида қолган кунлар миқдори. Дастлаб кунига кредитга қилинган савдо ҳажми кредитга қилинган йиллик савдо ҳажми 365 га бўлиш орқали аниқланади, кейин ҳисобот йили учун дебиторлик қарзи йиллик савдо ҳажмига бўлинади. Шундай қилиб, кредитнинг ўртача муддати, ҳисобварақ ва унинг тўловини илгари суриш учун талаб қилинадиган кунлар миқдори ҳисобланади.

Debentures: Ёзма қарз мажбуриятлари, корхоналар облигациялари – узок муддатли қарзни олиш гувоҳномаси сифатида қарздор одатда корхона томонидан чиқариладиган белгиланган фоизга эга қимматли қоғозлар, облигацияларнинг ўзига хос қўриниши: а) белгиланган таъминотга эга облигациялар корхона асосий капиталининг муайян қисмигагина гаров хати ёки қарзни сўндириш учун уни ушлаб қолиш ҳуқуқи билан таъминланган; б) тўлиқ таъминланган облигациялар белгиланган таъминотдан фарқли равишда корхонанинг барча асосий капитали билан таъминланган; в) конвертирланадиган облигациялар – муайян муддатга қадар белгилангани бўйича оддий акцияларга конвертирланадиган қимматли қоғозлар бўлиб, ўхшаш қарз мажбуриятлари эгаларини корхона оддий акцияларининг эҳтимолли эгалари сифатида қўриб чиқишга имкон беради.

Debit (noun): Дебет – бухгалтерия ҳисобининг чап томони ёки ҳисобнинг чап томонига қўйилган сумма.

Debit (verb): Дебетламоқ – ҳисобнинг чап томонига ёзувларни қайд этиш.

Debt: Қарз капитали, қарздорлик – хусусий шахс ёки ташкилот бошқа хусусий шахс ёки ташкилотга бериши лозим бўлган пул миқдори ёки бошқа мол-мулк. Қарздорлик суммаси ёки тўловнинг муайян муддатларини тасдиқловчи ўрта муддатли векселлар, облигациялар, гаров хатлари ва шу каби қоғозлар одатда ушбу атама орқали ифодаланади. Ташкилот нўқтаи назаридан бу унинг хусусий акционерлик капиталидан фарқли равишда қарз капиталидир. Муайян ҳисобот даврида қарз фоизларини тўлаш асосий қарз суммасини сўндириш қарзни тугатиш ҳисобланади.

Debt Capital: Қарз капитали – қарз қимматли қоғозларини, одатда облигацияларини чиқариш ҳисобига олиннадиган капитал.

Debt Capitalization: Қарзни капиталлаштириш – қарздорликнинг акцияларга айланиши.

Debt Defeasance, Collateralized (Debt) Defeasance: Гаровдан фойдаланган ҳолда қарзни тугатиш – асосий қарз суммаси сифатида траст-

ҳисобларга (ишонч ҳисобига) жойлаштириладиган молиявий активларни (масалан, нолли купонга эга облигациялар) тақдим этиш йўли билан қарздорликни тугатиш. Гаров воситалари бўйича тўловнинг номинал қиймати ва муддати яқинлашиши тугатилаётган қарзнинг тегишли хусусиятлари билан шундай мос келиши лозимки, бунда тўлов муддати яқинлашганда гаров воситалари бўйича тушумлар “аэролат” услуги бўйича ягона тўлов орқали асосий қарз суммасини тўлиқ сўндириш учун фойдаланиш мумкин бўлиши керак (қаранг: *Face Value, Balloon Loan*).

Debt-Equity Ratio: Қарз капиталининг хусусий капиталга нисбат коэффиценти – узоқ муддатли мажбуриятларнинг компания умумий капиталидаги фоизи. Бунда компания капитали узоқ муддатли мажбуриятлар (қарз капитали) ва хусусий акционерлик капитали суммаси сифатида қаралади ёки бу хусусий капиталнинг акционерлик капиталининг умумий миқдорига нисбати; одатда фоиз нисбатида ифодаланади, масалан, 50:50.

Debtors: Дебиторлар – дебиторлик қарзини ифодалаш учун Буюк Британияда ишлатиладиган атама; дебиторлардан (қарздорлар) компанияга берилиши лозим бўлган сумма.

Debt Restructuring: Қарзни қайта ташкил этиш – қарзни тақдим этиш шартлари ва/ёки сўндириш муддатининг ўзгариши.

Debt Service: Қарз тўлови – муайян ҳисобот даврида фоизларни тўлаш ва асосий қарз суммасини сўндириш.

Debt Service Schedule: Қарз тўлови графиги – тартибга солинмаган, яъни тўланмаган қарзнинг асосий суммаси каби у бўйича фоизларни тўлаш графиги.

Debt Workout: Қарзни ишлаб чиқариш – қарздорликни сўндиришнинг мақбул услубини ишлаб-чиқиш жараёни бўлиб, у қарзни қайта ташкил этиш, тузатиш, қўшимча қарзни (яъни пул) олиш ва жорий қарзни тўлашни ўз ичига олади.

Deduction Method: Чегириш услуги – реализация қилинган маҳсулот таннарини (яъни, бевосита ишлаб чиқариш харажатлари суммаси) ҳисобот даври бошидаги моддий ишлаб чиқариш захиралари қиймати ва ҳисобот даври мобайнидаги харидлар қийматининг йиғиндиси суммасидан ҳисобот йили охиридаги моддий ишлаб чиқариш захиралари қийматининг суммасини чегириб ташлаб йўли билан аниқланади.

Deferred Income Taxes: Фойдага кечиктирилган солиқ – фойдага амалда тўланган солиқ ва жорий муддат харажатлари ҳисобига тегишли фойдага ҳисоб солиғи суммаси ўртасидаги фарқ.

Deferred Payment: Кечиктирилган тўлов – келажакда белгиланган муддатдан олдин тўланадиган келишилган нархнинг бир қисми (қаранг: *Earn-out*).

Deferred Revenue: Келгуси давр даромадлари (қаранг: *Advances from Customers*).

Demand: Талаб – товар ёки хизматларни сотиб олишга бўлган хоҳиш ва имконият. Харидор харид қилмоқчи бўлган товар (ёки хизмат) миқдори ва бу товар нархининг ўзаро муносабати.

Depletion: Сарфланиш – табиий газ, қўмир, нефть ва бошқа минерал хом ашё каби камаядиган ва тикланмайдиган ресурсларни (активлар) харажатлар қийматиغا чиқариш жараёни.

Depreciable Cost: Эскирадиган қиймат – асосий капитал (масалан, жиҳозлар) элементларига эга бўлиш ва тугатиш қиймати ўртасидаги фарқ.

Depreciation: Эскириш, амортизация – бухгалтерия ҳисобида бу атама асосий капиталнинг бошланғич қийматини ҳар бир ҳисобот даврида шундай ҳисобдан чиқаришни назарда тутадик, бунда якунига бориб асосий капиталнинг у ёки бу қисми хизмат муддати давомида бутунлай ҳисобдан чиқарилади. Баъзан ҳисобдан чиқариш шундай амалга ошириладик, бунда хизмат муддатининг якунида асосий капитал объекти якуний баҳо қиймати (тугатиш қиймати) эга бўлади. Амортизациянинг 2 та асосий услуби мавжуд: а) амортизациянинг тўғри чизикли ҳисобдан чиқариш услуби бўлиб, бунда асосий капитал қиймати ҳар бир ҳисобот даврида тенг амортизация суммалари миқдорида ҳисобдан чиқарилади; б) тезлашган амортизация услуби бўлиб, бунда бошланғич қиймат дастлабки ҳисобот даврларида катта амортизация суммалари миқдорида ҳисобдан чиқарилса, кейинги даврларида кичик амортизация суммалари миқдорида ҳисобдан чиқарилади (қаранг: *Double-Declining-Balance Depreciation Method, Straight-Line Depreciation, Sum-of-the-Years'-Digits Method*).

Depreciation Rate: Амортизация миқдори – асосий капитал қийматидан фоиз миқдори бўлиб, ҳар йили ишлаб чиқарилган маҳсулот (хизматлар) таннархига қўшилади. Амортизациянинг тўғри чизикли ҳисобдан чиқаришда бу миқдор 1 ни активларнинг хизмат муддатида бўлиш орқали ҳисобланади (қаранг: *Depreciation*).

Devaluation: Девальвация – қатъий валюта курслари тизими шароитида ҳукумат қарорлари асосида расмий ўрнатилган валюта айирбошлаш курсининг пасайтирилиши.

Direct Cost: Тўғридан-тўғри харажатлар – маълум бир фаолият ёки маҳсулот тури билан бевосита боғлиқ бўлган харажатлар.

Direct Labour or Materials: Ишчи кучи ёки хом ашёга тўғридан тўғри харажатлар – маҳсулот ишлаб чиқариш учун бевосита сарф қилинган ишчи кучи ёки хом ашё киймати.

Discounted Cash Flow: Келтирилган/дисконтланган пул оқими – соф жорий кийматлар ёки ички фойда меъёрига асосланган ҳолда келгусида кутилаётган нақд пул тушумлари ва харажатларнинг жорий кийматини ҳисоблаш усули. Бу усул ишлаб чиқаришнинг асосий воситаларига ва кимматбаҳо қоғозларга капитал қўйилмаларни таҳлил қилишда қўлланилади. Нетто келтирилган киймат услубида дисконтлаш коэффиценти ишлатилади ва у келгуси нақд пул тушумларини ҳисобга олган ҳолда ҳамда қўшимча капитал жалб этиш муносабати билан капиталга қилинган оралик харажатларга асосланади. Шунингдек, келгуси харажатлар ва келгуси нақд пул тушумлари жорий пул кийматларида акс этади. Ички фойда меъёри услубини қўллашда мазкур инвестицион лойиҳани фаолият кўрсатишининг барча муддатлари давомида капитал қўйилмаларнинг ўртача фойдаси ҳисобланади. Бу услуб орқали дисконтлаш коэффиценти аниқланади ва бунга кўра келгуси пул оқимининг жорий киймати бошланғич инвестицияларга тенг бўлади (қаранг: *Internal Rate of Return, Net Present Value*).

Discounting: Дисконтлаш, жорий кийматга келтириш – 1. Капитал суммаси ёки бундай капитал ҳуқуқига дисконтлаш коэффиценти фоиз ставкасини қўллаш. Тўлов муддати келгунга қадар векселнинг жорий фоиз ставкасидан фойдаланган ҳолда тўлов кийматини камайтириш орқали векселнинг нархдаги ёки жорий кийматдаги ҳисоби. 2. Дебиторлик қарзларидан заём олишда қоплаш сифатида фойдаланиш. 3. Фойданинг кутилаётган ўзгаришлари ёки товарларга нархларнинг, кимматли қоғозлар ва валюта курсларининг келгусидаги ўзгаришларига боғлиқ бошқа сабаблар муносабати билан жорий нархларни тўғрилаш.

Discounting of Future Income: Келгуси фойдани дисконтлаш – келгуси фойдани жорий кийматлардаги эквивалентига келтириш жараёни. Дисконтлаш жараёнида келгуси фойда суммаси тегишли фоиз ставкасини акс эттирувчи дисконтлаш омили ёрдамида камайтирилади. Масалан, икки йилдан кейин кимдир сизга 121 сўм ваъда берган, мос келувчи фоиз ставкаси ёки дисконтлаш коэффиценти йиллик 10 фоизга тенг, унда биз 121 сўмни дисконтлаш омили ёрдамида дисконтлаб, жорий кийматнинг 110 сўмга тенглигини топамиз. Келгуси фойдани унинг жорий кийматига келтириш учун ишлатилган коэффицент дисконтлаш коэффиценти деб аталади (қаранг: *Present Value*).

Discount Rate: Дисконтлаш коэффиценти (қаранг: *Discounting*).

Diversification: Диверсификация – 1. Портфелнинг умумий таваккалчилик даражасини камаййтириш мақсадида ҳар бири турли таваккалчиликлар билан боғлиқ турли молия активларига эғалик қилиш. 2. Таваккалчилиқни тақсимлаш ва бизнеснинг даврийлигига боғлиқлигини камаййтириш мақсадида товар ва хизматлар номенклатураси ва/ёки географик ҳудудни кенгайтиришга йўналтирилган умумий хизмат амалиёти.

Divestiture: Мусодара этиш (мулкни) – давлат корхоналари мулкни ўтказиш ёки тугатиш маъносида ишлатиладиган атама, яъни давлат корхоналарининг активлари ва инвестициялари корхона ишчилари томонидан сотиб олинади. Хусусийлаштиришнинг тор маъносида қаралади.

Divestment: Инвестицияларни мусодара қилиш – йирик гуруҳлар (ассоциациялар, уюшмалар) қисмларини ёки мавжуд раҳбариятга, ёки менежерларнинг янги командасига, ёки бошқа компанияларга сотишни ифодалайдиган умумий атама.

Dividend Pay-Out (Cover): Дивидендлар бўйича қоплаш – битта акцияга дивиденд сифатида даромаднинг қандай қисми тўланишини ифодалайдиган миқдор. Тескари муносабат корхонада реинвестиция учун тақсимланмаган фойданинг миқдорини ифодалайди.

Dividend Policy: Дивиденд сиёсати – компаниянинг фойдадан фойдаланиш соҳасидаги сиёсати бўлиб, унга кўра фойданинг қандай қисми акционерларга дивиденд тарзида тўланади ва қандай қисми тақсимланмаган фойда сифатида қолиши ва реинвестиция қилиниши аниқланади.

Dividends: Дивидендлар – компания даромадининг бир қисми бўлиб, компания раҳбарияти томонидан мутаносиб миқдорда акцияларга эга бўлган акциядорлар ўртасида тақсимлаш учун мўлжалланган. Битта акция бўйича дивидендлар миқдори унда гавдаланган ҳуқуқлар ҳажмига боғлиқ. Тўланган дивидендлар компания харажатларига киритилмайди, чунки дивидендларни тўлаш – бу фойдани тақсимлаш жараёнининг таркибий қисмидир.

Dividend Yield: Дивиденд кўринишдаги даромад – маълум бир ҳисобот даврида (одатда бир йилда) оддий акция бўйича фирма томонидан бу акциянинг бозор, баланс ёки номинал қиймати асосида тўланадиган дивиденднинг фоиздаги ифодаси. Инвестиция қилинган капиталга акционер фойдасининг умумқабул қилинган кўрсаткичи; хусусий акциядорлик капиталига мўлжалланган фойданинг қолган қисми тақсимланмаган фойда ҳисобланади.

Double-Declining-Balance Depreciation Method (DDB): Икки баробар камаядиган қолдиқ услуги – амортизацияни тезлашган суръатда ҳисобдан чиқариш услуги бўлиб, амортизация ставкасини жорий активлар

амортизациясини тўғри чизикли ҳисобдан чиқаришда икки марта оширилган ставка миқдорида қўллашга имкон беради. Айтайлик, активлар қиймати 1000 доллар, уларнинг фойдали хизмат муддати тўрт йил. Амортизацияни тўғри чизикли ҳисобдан чиқаришда йиллик ҳисобдан чиқариш 250 долларни ёки йилига 25 фоизни ташкил этади. Икки баробар камаядиган қолдиқ услуги амортизацияни йиллик ҳисобдан чиқариш ставкасини икки марта оширишга имкон беради ва у активларнинг амортизация қилинмаган қийматидан ҳисобланади. Шундай қилиб, биринчи йил 1000 долларнинг 50 фоизи – 500 доллар, иккинчи йили 500 долларнинг 50 фоизи – 250 доллар (икки йилга 750 доллар) ва ҳоказо. Активларнинг хизмат муддати давомида бир марта амортизацияни тўғри чизикли ҳисобдан чиқаришга ўтиш мумкин. Бизнинг мисолимизда эҳтимол учинчи йилдан бошлаб мақсадга мувофиқ бўлади (қаранг: **Depreciation**).

Double-Entry Bookkeeping: Бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш тизими – бухгалтерия ҳисобида икки ёқлама ёзиш тизимининг муҳимлигини таъкидловчи концепция бўлиб, унга қўра ҳар қандай операция бухгалтерияда иккита ҳисобда акс этади. Бухгалтерия “кредит” ва “дебет” атамаларини қўллайди ва ҳар қандай дебет ёзуви унга мос келувчи кредит ёзуви билан кузатилади. Уларнинг нозик техник жиҳати бухгалтерия ҳисоби курсининг ўрганиш предмети ҳисобланади. Корхонанинг активлари суммаси ҳар доим мажбуриятлар ва хусусий акциядорлик капитали суммасига тенг бўлади (қаранг: **Dual-Aspect Concept**).

Dual-Aspect Concept: Икки ёқлама ёзув концепцияси – корхона активларининг умумий суммаси ҳар доим мажбуриятлар ва хусусий капитал суммасига тенг бўлади.

Due Diligence: Қарз эҳтиёткорлиги – компания инвестициялари, унинг ресурслари ва маҳсулот сотиш натижалари учун белгиланган раҳбариятнинг мустақил текширув жараёни бўлиб, инвестор номидан амалга оширилади. У (ўз ичига) бизнес-режадаги хулосаларнинг пухта таҳлили, керакли маълумотлар текшируви ва муҳим фикрларни ўз ичига олади.

Dumping: Демпинг – халқаро савдода ишлатиладиган амалиёт тури бўлиб, у рақобатчилардан қутулиш ёки монополияга эга бўлиш учун ёки вақтинча пайдо бўлган ортиқча товар захирасидан қутулиш мақсадида товарнинг экспорт бозорида ички бозорга нисбатан паст нархларда сотилишини назарда тутаяди; нархларнинг бундай даражаси бу икки бозорнинг хизмат қилиш бўйича харажатларнинг фарқига боғлиқ эмас. Бундай турдаги демпинг нархларига эришиш мақсадида тариф ва савдо бўйича бош келишуви (ГАТТ) махсус импорт божларини жорий этишга рухсат беради.

Duopoly: Дуополия – маълум товар ёки хизмат тури бўйича фақат иккита сотувчи бўлган бозор. Биз мазкур бозор ва ҳар бир сотувчи ҳатти-

ҳаракатлари ҳуҷосаи бўйича тахминларга боғлиқ ҳолда мувозанат нархи монопол нархлардан соф рақобат шароитидаги нархлар оралиғидаги ҳар қандай даражада ўрнатилиши мумкин (қаранг: *Perfect Competition*).

Duopsony: Дуопсония – муайян товар ёки хизматлар тури бўйича фақат иккита харидори бўлган бозор.

Earnest Money: “Ҳисса қўшиш бурчи” – муайян активларни харид қилишни таклиф қилишда мақсадларнинг жиддийлигини кўрсатиш мақсадида қилинган пул депозити.

Earnings Before Interest and Taxes (EBIT): Фоизлар ва солиқларни тўлагунга қадар фойда – доимий капиталга фойдани ҳисоблашда ишлатиладиган фойда миқдори.

Earnings per Share (EPS): Битта акция фойдаси – маълум муддатдаги ялпи фойдани муомалага чиқарилган оддий акциялар сонига бўлиш орқали ҳосил бўладиган кўрсаткич.

Earnings, Profits: Тушум, фойда – бу атамалар ўзаро ўринбосардир (қаранг: *Profits*).

Earnings Yield: Даромадлилик – битта оддий акцияга тўғри келадиган фойда миқдорининг унинг бозор нархига нисбати; тескари муносабат “нарх/фойда”нинг 100 га қўпайтирилган миқдори.

Earn-Out: Нархнинг келгуси фойда билан боғлиқлиги – келгусида корхонанинг муайян фойда даражасига эришишига боғлиқ бўлган, сотувчига охириги нарх бўйича тўланиши лозимлигини ифодаловчи схема. Корхонага ҳақ тўлаш бўйича битимни тузишга ёрдам беради, чунки сотувчи корхонанинг келгусидаги омадли фаолиятида муайян ҳиссага эга бўлади (қаранг: *Claw-Back Provisions, Equity Stub, Price Ratchet*)

Economic Life: Фойдали хизмат муддати – харидорнинг муайян давр мобайнида асосий капитал объектдан иқтисодий мақсадга мувофиқ равишда фойдаланишидир; самарали бўлмаган ишларда, юқори эксплуатация харажатлари ёки эскирган маҳсулот ишлаб чиқаришда маънавий эскиришга қарамадан асосий капитал объектнинг одатда узоқ давом этадиган жисмоний хизмат муддатидан фарқ қилиши зарур. Амортизация ажратмалари одатда фойдали хизмат муддати асосида аниқланади.

Economic Regulation: Иқтисодий тартибга солиш (қаранг: *Regulation*)

Economies of Scale: Микёс самараси – ишлаб чиқаришни кенгайтириш натижасида ишлаб чиқарилаётган маҳсулот бирлигига ишлаб чиқариш харажатларининг пасайиши. Мазкур маҳсулот ишлаб чиқаришнинг кенгайтиришида маҳсулот бирлигига харажатларни камайтирувчи омилларнинг таъсир этиш ҳисобига маҳсулот бирлигига харажатларнинг

эгри чизиги вақти-вақти билан пастга тушиб боради. Микёс самараси ички ва ташки бўлиши мумкин. Ички микёс самараси одатда йирик ишлаб чиқаришда мақбул технологиялардан фойдаланиш натижасида юзага келади; бундай ҳолатда микёс самараси тармоқнинг ҳажмига боғлиқ бўлмаган ҳолда алоҳида фирма микёсида амал қила бошлайди. Ташки микёс самараси барча тармоқларнинг ривожланиши натижасида намоён бўлади: ёрдамчи хизматларни қайта ишлаб чиқиш мазкур тармоқдаги барча фирмаларга фойда келтиради.

Employee Buy-Out: Ходимлар томонидан сотиб олиниши (корхонанинг) – хусусийлаштиришнинг услубларидан бири. Махсус изоҳлар бўлмаса, ходимлар деганда ҳам ишчилар, ҳам корхонанинг раҳбарияти назарда тутилади (каранг: *Management Buy-Out*).

Employee Stock Ownership Plan (ESOP): Ходимларнинг корхонанинг акциядорлик капиталида иштирок этиш дастури (ИСОП) – муайян давр мобайнида компания акцияларига эга бўлиш ва уларни ходимлар ўртасида тақсимлаш учун тузиладиган траст. ИСОП таркиби турли хил бўлиши мумкин, лекин моҳияти қуйидагича келтирилади: ёки компания трастга ҳақ тўлайди, траст эса булардан акцияларни сотиб олиш учун фойдаланади, ёки траст акцияларни сотиб олиш учун олдинроқ олинган қарзларни тўлаш учун компаниядан олинган тўловлардан фойдаланади. Иккинчи вариантни қарз воситаларидан фойдаланадиган ИСОП (leveraged ESOP) деб номлаш мумкин ва бундай схема ҳақ тўлаш учун зарур бўлган молиялаштириш қисмини тақдим этиш учун фойдаланиши мумкин.

Enterprise: Корхона – фирма ёки компания бўлиб, у умумий мулк ёки умумий назорат остида бўлади. Бунда мулк эгаси ёки назорат ким томонидан хусусий компания акциядорлари ёки ҳукумат томонидан амалга оширилишига боғлиқ эмас.

Entity: Иқтисодий бирлик, хўжалик фаолияти субъекти – мустақил бухгалтерия ҳисоби ёки ҳисобот юритиладиган компания, концерн ёки ташкилотларнинг бошқа шакллари.

Entity Concept: Иқтисодий бирлик концепцияси – бухгалтерия ҳисоби эгалик қилаётган, бошқараётган ёки у ёки бу лавозимда ишлаётган шахслар учун эмас, балки хўжалик фаолиятининг субъекти учун юритилади. Иқтисодий бирлик активлар гуруҳидан иборат бўлади ва улар умумий умумий назорат амалга оширилади. Иқтисодий бирликнинг иккита асосий кўриниши мавжуд: а) махсус қонун билан қонунлаштирилган субъектлар, яъни корпорациялар ва трестлар; б) махсус қонун билан қонунлаштирилмаган субъектлар, яъни яқка мулк ёки шериклик асосидаги фирмалар. Бухгалтерия ҳисобида активлар эгаси ва даромад олувчилар уларнинг эгаси эмас, балки мустақил иқтисодий бирлик

ҳисобланади. Иқтисодий бирликлар, ўз навбатида, хўжайинлар ва акциядорлар мулки ҳисобланади. Раҳбар (директор, президент ва ғ.к.) хўжайинлар фармойиши бўйича фаолият юрताди.

Entrepreneur: Тадбиркор – муайян иқтисодий шарт-шароитларда очилдиган имкониятларни англайдиган, корхона ёки бизнес ташкил қилдиган, уларни бошқарадиган ва булар билан боғлиқ барча таваккалчиликни ўз зиммасига оладиган инсон. Барча таваккалчиликни ўз бўйнига олишдан ташқари, тадбиркорнинг муҳим вазифаси шуки, юқори таваккалчилик даражасида корхонани зарур капитал билан таъминлаш, янги ёғалар бериш ва бу корхонани бошқаришдир. Йирик корхоналарда тадбиркорларнинг вазифалари акциядорлар ва раҳбарият ўртасида бўлинган.

Entry: Проводка, бухгалтерия ёзуви – хўжалик операцияларини бухгалтерия ҳисобларида қайд этиш.

Equity (or Equities): Компаниянинг (корхонанинг) хусусий капитали, акциядорлик капитали, акциядорларнинг хусусий капитали – 1) хусусий капиталга инвестициялар ва 2) компаниянинг тақсимланмаган фойдаси ҳисобига яратилган капитал. Бу, шунингдек, барча мажбуриятлар тўланганидан кейин қоладиган компания активларининг қолдиқ қиймати (соф қиймати). Яъни бу компаниянинг активлари ва мажбуриятлари ўртасидаги фарқ. Хусусий капитални, шунингдек, инвесторларнинг корхона активлари соф фойдасидаги хусусий капиталга эътирозлари (талаблари) сифатида изоҳлаш мумкин. Шунингдек, у компаниянинг оддий ва имтиёзли акцияларининг суммаси.

Equity Capital; Capital Stock (of a Corporation): Хусусий акциядорлик капитали – муомалага чиқарилган акцияларнинг умумий суммаси бўлиб, улар фойдани тақсимлашда, корхона активларини яқуний тақсимлашда имтиёзлар бермайди ва чеклашларга эга эмас. Бу компания мулкдорлари, яъни компаниянинг хусусий капиталига эга инвесторлар томонидан тақдим этиладиган капитал. Хусусий акциядорлик капитали баъзан акциядорларнинг хусусий капитали деб аталади. Балансда одатда муомалага чиқарилган акциялар қиймати ва компания низоми бўйича муомалага чиқаришга рухсат этилган акциялар миқдори кўрсатилади.

Equity Financing; Equity Investment: Хусусий воситалар ҳисобидан молиялаштириш (инвестиция қилиш) – инвестиция қилиш жараёни бўлиб, бунда инвестор бутун корхонанинг ёки унинг бир қисмига эгаллик қилиш ҳуқуқини ва бу корхона фаолиятдан келадиган фойдада иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлади.

Equity Joint Venture: Қўшма акциядорлик корхонаси – бошқа компаниялар томонидан ташкил этилган компания. Бунда янги ташкил этилган компания акцияларининг муайян ҳиссаси ташкил этган компанияларнинг ҳар бирига тегишли.

Equity Ratchet: Раҳбарият кўлидаги акциялар миқдорининг ўзгариши тўғрисидаги шарт – сотиб олинаётган корхона раҳбарларини рағбатлантириш механизми бўлиб, унга мувофиқ, агар корхона муайян, олдиндан белгиланган кўрсаткичларга (белгиланган даврдаги фойда ҳажми, мазкур даврда реализация учун бозорга чиқарилган акциялар миқдори, сотиб олинган қарз мажбуриятлари (молия воситалари суммаси) эришса, уларнинг компания хусусий акционерлик капиталидаги улуши ортади. Айрим ҳолларда агар белгиланган кўрсаткичларга эришилмаса, бундай механизм компаниянинг хусусий капиталида раҳбарлар улушининг камайишини кўзда тутди.

Equity Stub: Сотувчининг келгуси фойдада иштироки тўғрисидаги шарт – молиялаштириш шarti бўлиб, у сотувчи-ташкилот акционерларига корхона ҳақ тўлаш пайтида нафақат нақд пул тўловини қабул қилиш, балки сотиб олинаётган компаниянинг капиталига келгуси фойдаларда иштирок этишга имкон беради. Ички ахборотларга эга бўлган корхона раҳбарияти корхонани паст нархда сотиб олиши билан пайдо бўладиган таваккалчиликни сотувчи томонидан камайитириш мақсадида келгуси фойдада иштирок этиш тўғрисидаги бундай шарт сотиб олиш тўғрисидаги битимда ўз ифодасини топади.

Escalator Clause: Ўзгарувчан нархлар тўғрисидаги шартлар – ишлаб чиқариш харажатларининг ўсиши билан боғлиқ бўлган нархлар ўзгаришининг муайян шартларини назарда тутувчи ва олди-сотди шартномасида ўз ифодасини топган шартлар.

Estimated Tax Liability: Солиқларни тўлаш бўйича мажбуриятларнинг ҳисоб-китоб суммаси – балансда кўрсатилган ва йил охирида солиқлар кўринишида давлат бюджетига тўланиши лозим бўлган сумма.

Excess Capacity: Ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари – 1. Фирма, тармоқ, сектор ёки мамлакат иқтисоди микёсида маҳсулотни амалда ишлаб чиқариш ва максимал ишлаб чиқариш имконияти ўртасидаги фарқ. 2. Маҳсулотни амалда ишлаб чиқариш суммаси тўлиқ қувватда максимал ишлаб чиқариш суммасидан кам бўлиб, у қисқа истикболдаги ишлаб чиқаришнинг умумий ўртача энг кам харажатларга мос келади. Соф рақобат шароитида ортиқча ишлаб чиқариш қувватлари қисқа муддатда мавжуд бўлади; ортиқча ишлаб чиқариш қувватларининг узок вақт мавжуд бўлиши монополистик рақобат шароитларидаги фирмаларни тавсифлайди.

Excess Demand: Ортиқча талаб – муайян товар бозоридаги шундай вазиятки, бунда мавжуд нархлар бўйича товарларга бўлган талаб миқдори таклифдан кўп, яъни дефицит пайдо бўлади.

Excess Supply: Ортиқча таклиф – муайян товар бозоридаги шундай вазиятки, бунда мавжуд нархлар бўйича таклиф қилинаётган товар миқдори талабдан кўп бўлади.

Exchange of Shares: Акциялар билан алмашиш – компанияларнинг бирлашиши бўлиб, икки шаклда амалга оширилиши мумкин. Биринчи ҳолда ҳар иккала компания ўзгармас ҳолда сақланади, лекин акцияларнинг ўзаро алмашуви рўй беради, ҳар бир компания бошқа компаниянинг маълум миқдордаги акцияларига эга бўлади ва бир катор директорлар иккала компаниянинг директорлар кенгашига киритилади. Иккинчи ҳолатда эса икки компаниянинг бирлашиш рўй беради ва бир компания акциялари иккинчи компания муомалага чиқарган акцияларга бутунлай алмаштирилади. Бунда оддий алмашиш ёки қўшимча нақд пул тўланиши мумкин.

Exit, Realisation: Чикиш, реализация – ҳақ тўлашда иштирок этадиган инвесторларнинг барча ёки инвестицияларнинг қисмини амалга ошириш учун қўлланадиган усули. Одатда чикиш акцияларни бозорга чиқариш ёки бевосита сотиш орқали амалга оширилади. Иккиламчи сотиб олиш ёки рекапитализация охириги вақтда кенг тарқалди (қаранг: *Secondary Buy-Out, Recapitalisation*).

Expenditure: Чикимлар – бухгалтерия ҳисобида чикимлар харажатлардан фарқли равишда пул сарф-харажатларига ёки активлар ёки хизматларга эга бўлиш муносабати билан пайдо бўладиган қарзларга тегишли бўлиб, улардан тушган фойда жорий ҳисобот даври тугаганидан кейин ҳам сезилади. Яъни, сарф-харажатлар – бу товар ва хизматларга эга бўлиш муносабати билан активларнинг камайиши ва мажбуриятларнинг ортишидир. Мос келиш тамойилига мувофиқ равишда бир даврнинг сарф-харажатлари ўша ёки кейинги ҳисобот даврининг харажатлари ёки бир нечта даврнинг харажатларига тегишли бўлади, масалан, амортизация ажратмалари мисолида. Баъзи сарф-харажатлар харажатлар бўлмайди, масалан, кимматли қоғозларни харид қилиш сарф-харажатлари (қаранг: *Expense*).

Expense: Харажатлар – муайян ҳисобот даврида фойда олиш мақсадида товарлар ишлаб чиқариш ва хизматлар кўрсатиш жараёнида юзага келадиган сарф-харажатлар бўлиб, улар ўз ичига тўғридан-тўғри харажатлар ва қўшимча харажатларни олганидек, операцион бўлмаган харажатларни ҳам олади, масалан, кредит бўйича фоиз тўлаш. Харажатлар – бу ҳисобот даври мобайнида корхона фаолияти натижасида корхона хусусий капиталининг камайиши, яъни муайян ҳисобот даври мобайнида ишлатилган ёки истеъмол қилинган ресурслар (қаранг: *Expenditure*).

Expesing: Харажатларни кўшиб ҳисоблаш – сарф-харажатларни қийматга киритиш жараёни, яъни сарф-харажатларнинг харажатга айланиши (каранг: *Expenditure, Expence*).

Expired Cost: Тугалланган сарф-харажатлар атамасига мос келади (каранг: *Expence*).

External Privatization: Ташки хусусийлаштириш – хусусийлаштиришнинг шундай кўринишики, бунда корхона активлари ташки мулкдорларга (масалан, алоҳида шахсларга, ташкилотларга, хорижий фуқароларга) сотилади (ёки текинга берилади).

Externalities: Ташки таъсир – фаровонлик натижалари ёки йўқотилган фойда бўлиб, улар нархларнинг шаклланиши ёки бозор тизимида ўз аксини топмайди. Ишлаб чиқариш корхонаси фаолиятининг салбий ташки таъсирлари йўллардаги ёки атроф-муҳит ифлосланишида ўз аксини топиши мумкин. Бу корхонанинг жойлашган ҳудудида истиқомат қилувчи кишилар фаолиятининг пасайиши ва эҳтимол бу ҳудуддаги бошқа корхонанинг сарф-харажатларини ортишига олиб келади, улар иккала корхона олдида оқиб ўтаётган дарёдан ишлаб чиқариш учун олинadиган сувни тозалаш мақсадида қўшимча чора-тадбирларни амалга оширишларига тўғри келади. Ижобий ташки таъсирлар шундан иборатки, бир жойда қўп сонли корхоналарнинг мавжудлиги масаласи ишчи кучи ва захира қисмлари бозорини рағбатлантиради, чакана дўконларнинг сонини оширади.

Extraordinary Gain(Loss): Капиталга ўзгача фойда (ўзгача зарар) – капиталга йирик, ўзгача ёки қайтарилмайдиган муддатли фойда ёки шу характердаги зарарлар.

FIFO (First-in, First-Out): Биринчи сотиб олинган нархлар бўйича товар моддий захираларини баҳолаш услуги – товар моддий захираларидан ишлаб чиқаришда тушиш тартибида фойдаланилади. Ишлаб чиқариш харажатларини ҳисоблашда қийматга, аввало, эскидан сотиб олинган нархлар бўйича хом ашё киритилади.

FOB – Free on Board: FOB – “кема бортида эркин” юк ортиш портида; агар шартномада FOB нархлари кўрсатилса, у белгиланган жойгача ташиш, белгиланган портда юк ортиш-тушириш ишлари ва белгиланган пунктгача сўғурта қилиш қийматининг нархга қўшилмаслигини ифодалайди.

FOB Price: FOB нархи – агар қўшимча шартлар мавжуд бўлмаса, FOB нархи одатда маҳсулот ишлаб чиқариладиган, казиб олинadиган, сакланadиган ёки юкланadиган жойда, яъни фирма, корхона, нефть скважиналари, тоғда қайта ишлаш, фабрика омборлари ёки портда ундириладиган нархларга тегишли.

Face Amount: Номинал сумма – облигациянинг устки томони кўрсатилган, тўланиши лозим бўлган қарзнинг умумий суммаси.

Face Value; Par Value: Номинал, паритет – облигация, вексель, банкнот ёки бошқа воситада кўрсатилган асосий ёки номинал қиймат (бозор қийматидан фарқли равишда).

Factoring: Факторинг – фаолият тури бўлиб, унинг моҳияти шундаки, бир компания бошқа компанияга тегишли бўлган қарз олиш мажбуриятини ўзига олади. Бу турдаги хизматлар асосан кичик ва ўрта корхоналарнинг талабларига жавоб беради. Одатда факторинг компаниясининг мижози ўзининг барча савдоларини унинг ҳисоб варағига дебетлайди ва бирданига факторинг компаниясидан 3-4% хизмат ҳақи ҳамда мижозга тақдим этилган тижорат кредити даври учун фоиз чегириб ташланган тўловни олади. Натижада мижознинг нақд таъминотида сезиларли ўзгариш содир бўлади.

Factors of Production: Ишлаб чиқариш омиллари – товар ва хизматларни ишлаб чиқариш учун зарур бўлган ресурслар, ишчи кучи, ер ва капитал.

Fairness Opinion: Баҳонинг адолатлилиги тўғрисидаги хулоса – инвестицион банкирларнинг компанияни сотиб олиш ёки қарз маблағларидан фойдаланган ҳолда қайта капиталлаштириш битими вақтида унинг акцияларига эгаллик қилувчи акциядорлар учун қанчалик мувофиқ келиши тўғрисидаги фикр-мулоҳазаси.

Fiduciary Duties (of Directors or Fund Managers): Ишончли шахсларнинг мажбуриятлари – компания директорларига компания манфаатлари доирасида ҳаракат қилиш талабининг қўйилиши. Агарда компания раҳбарияти ўз компаниясини сотиб олишга ҳаракат қилаётган бўлса, у ҳолда компания раҳбарлари қонун бўйича компания ва унинг акциядорларига тегишли бўлган фойдани олишга ҳаракат қилаётган ҳолда ишончли шахсларнинг мажбуриятларига илтифотсизлик қилаётганлиги ёки қилмаётганлигини аниқлаш зарурияти мавжуд бўлади.

Final Goods and Services: Якуний товарлар ва хизматлар – истеъмол учун ишлаб чиқарилган ҳамда оралик товарлар ва хизматлардан фарқли равишда мазкур ишлаб чиқариш жараёнида якуний маҳсулот ҳисобланган товарлар ва хизматлар. Миллий даромадни ҳисоблаб чиқишда иккиламчи ҳисобдан қутулиш учун фақатгина якуний истеъмол ҳисобга олинади (қаранг: *Intermediate Goods*).

Financial Accounting Income: Ҳисобли фойда – бухгалтерия ҳисоби тамойилларига (солиқ қонунчилигида кўзда тутилган услублар бўйича эмас) асосида аниқланган фойда.

Financial Assistance: Молиявий ёрдам – компания ўз активларини сотиб олишлари учун ссуда берувчиларга компания активлари остида таъминот тақдим этиш ва шу йўсинда компанияни сотиб олиш.

Financial Intermediaries: Молия воситачилари – аҳолининг пул маблағларини сакловчи ёки қарз бериш ва бошқа инвестицияларни амалга ошириш мақсадида қарз оловчи ташкилотлар. Молия воситачилари маблағларнинг қарз берувчилардан қарз оловчиларга бўлган ҳаракатини тезлаштиради. Бунда тўғридан-тўғри инвестициялар билан таққослаганда, харажатлар энг кам ёки нолга тенг. Молия воситачиларига депозит муассасалари (тижорат банклари, қарз-жамғарма ассоциациялари, ўзаро-жамғарма банклар, кредит уюшмалари), шартнома жамғарма муассасалари (суғурта компанияси, пенсия жамғармалари) ва инвестицион воситачилар (ўзаро жамғармалар, пул бозорининг ўзаро жамғармалари, молия компаниялари) киради.

Financial Market: Молия бозори – капитал ва кредитлар муомалада бўлган бозор. Молия бозори қисқа муддатли капитал бозори ҳамда узоқ муддатли ссуда капитали бозорига бўлинади (қаранг: *Capital Market, Money Market*).

Financial Ratios: Молия коэффициентлари – 1. Компания ҳисоботлари ва бошқа маълумотларга асосланган ҳамда компаниянинг молиявий тузилмасини тавсифлаш учун фойдаланиладиган ҳисоб-китоблар. Молия коэффициентларини 4 гуруҳга бўлиш мумкин: қарз капиталидан фойдаланиш даражасини тавсифловчи коэффициентлар, компаниянинг ликвидлиги, рентабеллиги (фойдалилиги) ва бозор қиймати коэффициентлари. 2. Компаниянинг тўлов қобилиятини (кредит қобилиятини) тавсифловчи, муайян бизнесдаги инвесторга унинг инвестициялари активлар ёки фойда билан қанчалик таъминланганлиги тўғрисида тасаввур берувчи кўрсаткичлар. Асосий коэффициентлар – бу қоплаш коэффициентини ва компаниянинг соф қиймат коэффициентини.

Financial Statements: Молиявий ҳисобот – бу қорхонанинг молиявий ҳолати (баланс), унинг дармадлари, харажатлари ва муайян даврдаги соф фойдаси (даромадлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот), молиявий ресурсларнинг манбалари ва улардан фойдаланиш тўғрисида маълумот берувчи ҳисобот.

Fixed Assets: Узоқ муддатли активлар (асосий капитал) – (*Assets*га қаранг).

Fixed Costs: Доимий харажатлар – ишлаб чиқариш ҳажмига боғлиқ бўлмаган харажатлар, масалан, ишлаб чиқариш ва идоравий жойлашув учун ижара ҳақи.

Fixed Liabilities: Узоқ муддатли мажбуриятлар (қаранг: *Liabilities*).

Fixed Income Securities: Белгиланган даромадли кимматли қўғозлар (қаранг: *Bond*).

Floatation: Акцияларни бозорга чиқариш – чиқариш вариантларидан бири бўлиб, бунда сотиб олинаётган компания ўз акцияларини фонд бозорига чиқаради. Бу одатда раҳбариятга ва институционал инвестор-га ўз инвестицияларининг бир қисмини сотиш, шунингдек, қарз маблағлари ҳисобига компания учун қўшимча маблағларни жалб этиш ва/ёки имтиёзли акцияларни сотиб олиш имконини беради.

Floating Capital: Фаолиятдаги (айланма) капитал (қаранг: *Working Capital*).

Flow Report: Маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот – муайян вақт давомида маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот; молиявий ҳолатнинг ўзгариши тўғрисидаги ҳисобот.

Forward Contract: Форвард шартномаси – муайян товар миқдори, давлат кимматли қўғозлари, хорижий валюта ёки бошқа молиявий воситанинг келажакда муайян вақтда жорий нарх (спот нархи) бўйича етказиб бериш ва сотиб олиш билан савдо-сотиқ қилиш тўғрисидаги битим. Бу якуний шартнома бўлганлиги учун опциондан фарқли равишда, яъни унинг эгаси ўз хоҳиши билан шартномани амалга ошириш ёки оширмасликни ҳал қилиши, форвард шартномаси фьючерс шартномаси бўйича сотишда суғурта бўлиб хизмат қилиши мумкин (қар.: *Hedge/Hedging*).

Free Market: Эркин бозор – давлат томонидан тартибга солиш ва ара-лашиш талаб ва тақлифга ҳеч қандай таъсир қўрсатмайдиган бозор.

Free Market Economy: Эркин бозор иқтисодиёти – шундай иқтисодий тизимки, бунда ресурсларнинг тақсимланиши давлат томонидан эмас, балки алоҳида оила ёки ташкилот доирасида қабул қилинадиган қарор-лар орқали аниқланади.

Freedom of Entry: Бозорга эркин чиқиш – янги компанияларнинг бозор-га чиқишлари учун тўсиқларнинг мавжуд эмаслиги. Соф рақобатни аниқ-ловчи фаразлардан бири (қар.: *Barriers to Entry, Perfect Competition*).

Fundamental Accounting Equation: Бухгалтерия ҳисобининг асосий тенгламаси – активларнинг пасивларга тенглиги, яъни активлар маж-буриятларга тенг плус хусусий капитал.

Funding: Жамғариш, молиялаш – 1. Қисқа муддатли қарздорликнинг узок муддатли қарздорликка айланиши, қайта молилаштириш; қисқа муддатли мажбуриятлар суммасига узок муддатли кимматли қўғозлар чиқариш ва шу тарзда олинган маблағлардан қисқа муддатли қарзлар-ни тўлашда фойдаланиш. 2. Лойиҳани молиялаштириш учун ресурс-ларни излаб топиш.

Funds Flow Statement: Нақд пуллар, жамғармаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот – кўпинча жамғармаларнинг ҳолати тўғрисидаги ҳисобот, маблағларнинг манбалари ва улардан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисобот, маблағларнинг келиб тушиши ва сарфланиши тўғрисидаги ҳисобот деб юритилади, бироқ аниқ нақд пулларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот деб юритилмайди. Муайян ҳисобот даври ёки бир нечта ҳисобот даври учун янги акциялар чиқариш, пул капитали, қарзлар ва ҳоказо каби корхона маблағларининг молиявий манбалари ва бу маблағлардан фойдаланишни акс эттиради. Катъий айтадиган бўлсак, фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот ҳисоблаб қўшиш услубидан фойдаланиш асосида тузилади, нақд пул маблағларининг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот эса бухгалтерия ҳисобининг касса услубидан фойдаланишининг натижаси ҳисобланади. Жамғармаларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот нақд пуллар ва нақд тўловларнинг ишлаб чиқариш, инвестиция ва молия фаолияти натижалари бўлинмалари модаларини ўз ичига олади.

Funds from Operations: Корхонанинг асосий фаолиятдан олинган маблағлар (қаранг: *Internally Generated Funds ва Net Benefits*).

Futures Contract: Фьючерс шартномаси – келажакда муайян бир вақтда фойдаланиш муддати билан келишилган нарх бўйича бирор бир товар миқдори ёки маълум бир молия воситасини савдо-сотиқ қилиш тўғрисидаги шартнома. Нарх биржада сотувчи ва харидор ўртасида очик ва ошқора ўрнатилади. Агар шартнома уни ижро этиш муддати келгунга қадар бошқа бировга сотилмаса, одатда шундай бўлади, агар битим иштирокчиси фойда олиш ёки зарарларни камайтиришни мўлжаллаётган бўлса, у ҳолда мазкур шартнома харидорни ушбу товарни сотиб олишга, сотувчини эса уни сотишга мажбур этади. Фьючерс шартномаси опциондан фарқ қилади, чунки опцион харидори ўз танлови бўйича унинг муддати келганда у опционни амалга ошириши ёки рад этиши мумкин (қаранг: *Forward Contract, Futures Market*).

Futures Market: Фьючерс бозори – фьючерс шартномалари муомалада бўладиган товар биржаси. Турли биржалар муайян шартнома турлари-га ихтисослашади (қаранг: *Spot Market*).

Gain or Loss on Disposition of Plant: Корхона активлари ёки бутун корхона сотишдаги фойда ёки зарар – асосий капитал (масалан, жиҳозлар) элементларини сотишда ҳақиқатда олинган сумма ва баланс қиймати ўртасидаги фарқ.

Galloping Inflation: Сакровчи инфляция (қаранг: *Inflation*).

Gearing Ratio – (U.K.): Молиявий рычаг (қаранг: *Leverage (Ratio) – U.S.*).

General Partner: Бош ҳамкор – чекланмаган жавобгарликка эга ҳамкор. Тўлиқ шерикчиликда барча ҳамкорлар бош ҳамкорлардир; бошқа-

рувли шерикчиликда ҳеч бўлмаганда битта бош ҳамкор бўлиши лозим (қаранг: *Limited Partner, Partnership*).

Going Concern Concept: Корхона фаолиятининг чекланмаганлиги концепцияси – бухгалтерия ҳисобида таъкидланишича, ҳисобот тузувчи хўжалик бирлиги чекланмаган ҳаракатли корхона ҳисобланади, яъни унинг фаолияти келажақда номаълум бир вақт мобайнида давом этади. Корхонанинг асосий мақсади – товар ва хизматларни сотиб олиш ва етказиб беришдан фойда олиш. Унинг фаолиятини фақат уни тугатиш (агар банкротлик содир бўлса) ёки бош корхона билан бирлаштириш орқали тўхтатиш мумкин ва турган гапки, корхона тузилаётганда ва унинг фаолият даврида бундай мақсад қўйилмайди.

Goods Available for Sale: Сотиш учун мўлжалланган товарлар – дастлабки моддий ишлаб чиқариш захиралари суммаси плус муайян даврдаги харидлар.

Goods-in-Process: Тугалланмаган ишлаб чиқариш – ишлаб чиқариш босқичида бўлган ва молиявий ҳисобот тузилаётган санада товармоддий захиралари моддасига киритилган товарлар.

Goodwill: Фирма нархи, “гудвил” – харидлар ва бирлашишлар даври бошқа корхонага ушбу корхонанинг қулай жойлашганлиги, мижозларнинг яхши муносабати, бозордаги мустаҳкам ўрни ва ҳоказо каби афзалликлари ҳисобига баланс активлари қийматидан ортиқ ҳақиқатда тўланган сумманинг балансда акс этиши.

Gross Margin, Sales Margin: Ялпи фойда (сотишдан олинган фойда) – чакана савдо билан шуғулланувчи фирманинг товарлар савдоси ёки хизмат кўрсатишдан олган фойдаси. Ялпи фойда товар нархи ёки чакана савдо ташкилоти томонидан мазкур товар учун тўланган нарх ушлаб қолингандан ташқари, қайта сотиш нархига эквивалентдир (қаранг: *Gross Profit*).

Gross Margin Percentage: Ялпи фойда меъёри – ялпи фойданинг товарлар (ёки хизматлар) савдосидан олинган даромадга фоиз нисбати.

Gross Profit: Ялпи фойда – фоизлар, солиқлар ва бошқа ишлаб чиқариш харажатларининг қопланмалари тўлангунга қадар маҳсулотлар ишлаб чиқариш учун кетган бевосита харажатлар ушлаб қолинганидан ташқари, маҳсулотнинг савдосидан олинган даромадларнинг (тушумларнинг) умумий суммаси. Назарий жиҳатдан ишлаб чиқариш жараёнида фойдаланиладиган асосий капитал амортизацияси бевосита харажатларга киритилиши лозим, бироқ амалиётда ҳар доим ҳам бундай бўлавермайди.

Guarantee: Кафолат – учинчи тараф томонидан қарзнинг сўндирилиши ёки мажбуриятлар бажарилишининг тасдиқланиши. Муайян қарз

ёки бир қатор операцияларга тегишли бўлиши мумкин, масалан, банк овердрафти бўйича кафолат.

Hands on/Hands off: Актив/пассив иштирок – компанияни сотиб олиш жараёнини бошқаришда инвесторнинг иштирок этиш даражаси. Актив иштирокчи одатда сотиб олинаётган компаниянинг директорлар кенгашида назоратчи-директорни тайинлайди. Пассив иштирокчи сотиб олиш бўйича битим тайёрлаш жараёнида деярли иштирок этмайди (қаранг: *Non-Executive Director*).

Hedge/Hedging: Хеджирлаш, хедж – қарама-қарши битим тузиш йўли билан таваккалчиликни камайтириш усули. Масалан, фермер бўғдой етиштираётган бўлса, у ҳосилни фақат куз фаслида олади. У куз фаслида олиши мумкин бўлган бўғдой ҳосилини баҳор ёки ёз фаслида фьючерс бозорида сотиб, нархнинг ўзгариш таваккалчилигидан қутилиши ёки хеджирлашни амалга ошириши мумкин. Инвестицион таваккалчиликни тугатишда ҳам ушбу усулдан кенг фойдаланилади. Мақбул хеджирлашда капиталнинг келажакдаги зарари ёки фойдаси олиб ташланади. Инвесторлар кўпинча қиймати инфляцияга қараганда кўпроқ ўсадиган активларни сотиб олиш йўли билан инфляциядан хеджирланишга ҳаракат қилишади. Йирик тижорат фирмалари ўзлари оладиган ёки тўлайдиган товарлар нархини кафолатлашга интиланган ҳолда фьючерс бозоридаги харидлар ва бир вақтдаги сотувлар йўли билан ўз ҳолатини хеджирлашади. Масалан, шоколад ишлаб чиқарувчи фабрика нархнинг ошиш таваккалчилигини бартараф этиш мақсадида фьючерс бозорида ўзларининг какао етказиб беришларини хеджирлашади.

High Quality Borrower: Биринчи даражали қарздор (қар.: *Prime Borrower*).

Highly Leveraged: Қарз маблағларининг юқори улуши билан (қаранг: *Leveraged*).

Historic or Historical Costs: Сотиб олиш қиймати, дастлабки харажатлар – активларни сотиб олиш вақтида уларнинг активлар эгаси учун қиймати. Активлар балансида сотиб олиш қиймати бўйича кўрсатилади, яъни ҳақиқатда тўланган нарх бўйича, гарчи мазкур активларнинг захираси ё юқори ёки паст бўлиши мумкин (қаранг: *Depreciation*).

Holding Company: Холдинг компанияси – бошқа компанияларни бошқариш мақсадида шу компаниялар акцияларининг назорат пакетига эга компания.

Homogeneous Products: Бир турдаги маҳсулот – барча ишлаб чиқарувчиларнинг бир хил товар ва хизматлари; истеъмолчилар уларга ўринбосар товарлар сифатида қарашади.

Horizontal Integration: Горизонтал интеграция (қаранг: *Integration, Vertical and Horizontal*).

Horizontal Merger: Горизонтал бирлашиш (қаранг: *Merger*).

Human Capital: Инсон капитали – алоҳида инсоннинг ишлаб чиқариш билимларига эга бўлиш, уларнинг уддасидан чиқиш ва профессионал тайёргарликка эга бўлиши. Одатда бунда таълим, маориф ва соғлиқни сақлашга харажатлар натижасида яратилган қиймат назарда тутилади.

Hyperinflation: Гиперинфляция (қаранг: *Inflation*).

Illiquidity: Ликвидсизлик – ликвидли активларнинг етишмаслиги. Активлар тез ва осон равишда нақд пул маблағларига айланмаганда, бундай вазият пайдо бўлади.

Imperfect Market: Соф бўлмаган бозор – одатда иқтисодий самардорликни таъминловчи талаб ва таклифнинг ўзаро эркин муносабати бузилган бозор. Бозорда бундай ҳолат харидор ва сотувчилар нарх даражасига муайян таъсир кўрсатганида юзага келади.

Income: Фойда – солиқлар тўланганидан кейинги соф фойда. “Якуний сатр”. Бу компания фаолияти натижасида муайян давр мобайнида компания хусусий капиталининг ўсиш суммаси.

Income Statement: Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот – ҳисобот давридаги тушумлар ва харажатлар тўғрисидаги ҳисобот, маблағларнинг ҳаракати тўғрисидаги ҳисобот. Мазкур ҳисобот ҳисобот давридаги компания фаолияти жараёнида нима ҳисобига унинг хусусий капиталида ўзгаришлар содир бўлганлигини тушунтириб беради.

Income Summary: Даромадлар ва харажатларнинг йиғма ҳисоби, фойда ва зарарларнинг транзит ҳисоби – муайян даврда тузиладиган ва соф фойдани ҳисоблаш учун ишлатиладиган асосий китобнинг умумлашган (якуний) ҳисоби.

Income Tax: Фойда солиғи – солиққа тортиладиган фойдадан фоиз ҳисобида олинадиган солиқ.

Incorporation: Инкорпорация – корпорация сифатида рўйхатдан ўтиш жараёни.

Indemnities: Зарарни кафолатли тўлаш, қўрилмаган йўқотишларни таъминлаш – компания номидан виждонли иш юритишда пайдо бўлиши мумкин бўлган молиявий мажбуриятлар ҳолатида компания раҳбарлари учун муҳофаза.

Inertial Inflation: Инерцион инфляция – қутилганидек, барқарор инфляция жараёнининг сақланиши ва шартнома тузишда ва бошқа истикбол баҳоларида мавжуд инфляция суръатлари инobatга олинади.

Inflation (Inflation Rate): Инфляция суръатлари – нарх умумий даражасининг фоизлардаги йиллик ўртача ўсиши. Гиперинфляция – ҳаддан

ташқари юқори суръатлардаги инфляция жараёни, масалан, 1000%, 1000000% ёки 1000000000% йилига. Йилига 50, 100 ёки 200 фоизли инфляция жараёни сакровчи инфляция деб номланади. Мўътадил (ўртача) инфляция – бу нархларнинг шундай умумий ўсиш суръатики, у нархлар ёки даромадлар нисбатининг сезиларли бузилишига олиб келмайди.

Inflation Accounting: Инфляция ҳисоби – доимий пул бирликларида ҳисобланадиган, дастлабки қийматлар бўйича баҳолашга асосланган ҳисоб. Вақт давомида пулнинг харид қобилиятининг ўзгаришини тўғрилаш билан молиявий операцияларнинг ҳисоби ва таҳлил услуги. Шунингдек, “доимий пул бирликларидаги ҳисоб” атамаси ҳам ишлатилади.

Infrastructure: Инфраструктура – асосий иншоотлар ва хизматлар (хусусан, транспорт, алоқа, канализация тизими, сув таъминоти, энергия таъминоти) бўлиб, ҳам аҳоли пунктлари, ҳам иқтисодиётнинг ривожланиши учун зарур бўлиб.

Initial Public Offering (IPO): Акцияларни кенг сотишга биринчи таклифи – биринчи марта компания акцияларининг очиқ савдога чиқарилиши.

Inputs: Ишлаб чиқариш омиллари (қаранг: *Factors of Production*).

Institutional Investor: Институционал инвестор – асосий вазифаси ўзининг хусусий активлари, шунингдек, ўзида ишончли саклаб келаётган бошқаларга тегишли активларни инвестиция қиладиган ташкилот, масалан, пенсия жамғармалари, суғурта компаниялари, инвестиция компаниялари, банклар ва университетлар.

Instrument: Восита – молиявий қарз мажбуриятининг ҳар қандай тури.

Intangible Assets (Intangibles): Номоддий “кўзга кўринмас” активлар – жисмоний, кўзга кўринадиган шаклга эга бўлмаган активлар, масалан, суғурта билан таъминладиган муҳофаза ёки фирма нархи (гудвил) (қаранг: *Assets*).

Integration, Vertical and Horizontal: Интеграция, вертикал ва горизонтал интеграция – бир нечта ишлаб чиқариш жараёнларининг битта корхонага бирлашиши. Ишлаб чиқариш жараёни – бу ишлаб чиқариш босқичларидан бири, масалан, темир рудасидан чўян ишлаб чиқариш, чўяндан пўлат ва прокат ишлаб чиқариш, пўлат тунукадан автомобил кузови деталларини ишлаб чиқариш. Вертикал интеграция – бу битта фирмада икки ёки ундан ортиқ ишлаб чиқариш жараёни босқичларининг бирлашиши (масалан, чўян ва пўлат ишлаб чиқариш). Горизонтал интеграция – бу ишлаб чиқаришнинг битта босқичидаги бўлинмаларнинг битта фирмада бирлашиши.

Intercompany Transactions: Ички фирма битимлари – бириккан гуруҳга қиравчи компаниялар ўртасидаги битим. Бириккан молиявий ҳи-

суботларни тайёрлашда бундай битимлар ҳисоботдан чиқарилади (қаранг: *Consolidated Statements*).

Interest: Фоизлар – қарздорнинг кредитдан ёки капиталдан фойдаланганлиги учун муайян вақт ўтгач кредиторга тўланадиган сумма; қарзнинг тўланмай қолган қисмидан йиллик фоиз кўринишида ифодаланади.

Interest Cover: Фоизларнинг таъминланганлиги – фоиз тўлаш бўйича даврий мажбуриятларнинг қарзлар бўйича фойданинг даврий тушумлари орқали қопланиш даражаси. Фоизларнинг таъминланганлик даражаси фоиз тўлангунга қадар фойда суммасининг тўланиши лозим бўлган фоиз суммасига нисбати тарзида ҳисобланади. Қарз маблағларининг катта қисмини ишлатиш билан компанияни сотиб олишда бу коэффициент соф пул оқимининг (нақд пул тушуми) ссуда берувчиларга тегишли фоизлар суммасига нисбати орқали ҳисобланади.

Interest During Construction: Қурилиш давридаги фоизлар – биноларни қуриш ёки жиҳозларни монтаж қилиш даврида узоқ муддатли мажбуриятлар бўйича фоизлар; кўпинча қурилиш бўйича сарф-харажатларга киритилади ва капиталга айланади.

Interest Expense: Фоизларни тўлаш бўйича харажатлар – ҳисобот даврида иқтисодий бирликлар, яъни хўжалик фаолияти субъектлари учун қарз маблағларидан фойдаланиш қиймати.

Interest Revenue: Фоизлар бўйича тушумлар – қимгадир компания маблағларидан фойдаланиш ҳуқуқи берилиши натижасида олинган даромад. Пул “ижара”сидан тушумлар. Кўпинча “фоиз даромади” деб ноаниқ айтишади.

Interim Statements: Оралиқ ҳисобот – бир йилдан кам муддатга тайёрланган молиявий ҳисобот, масалан, бир ой ёки бир чорак.

Intermediate Goods/Products: Оралиқ товарлар/маҳсулотлар – ишлаб чиқаришнинг кейинги босқичида ишлаб чиқариш омиллари сифатида фойдаланиладиган барча товар ва хизматлар. Масалан, бўғдой, нефть, чўян, каучук. Шунингдек, ишлаб чиқариш воситалари ҳам дейилади.

Internal Privatization: Ички хусусийлаштириш – хусусийлаштиришнинг шундай турики, бунда корхона мулки мазкур корхонанинг ходимлари (ишчилар ва раҳбарлар) қўлига ўтади, масалан, сотиш орқали.

Internal Rate of Return: Ички фойда меъёри – дисконтлаш коэффициенти бўлиб, бунда бу инвестицияларга келгусида бўладиган нақд пул тушумларининг жорий келтирилган суммаси бу инвестицияларга кетган харажатларга тенг бўлади. Синаб кўриш ва хатолар услуги орқали аниқланади; соф дисконтланган қиймат, яъни инвестицион лойиҳа-

ларга дисконтланган нақд пул харажатлари ва бу лойиҳа бўйича дисконтланган нақд пул тушумлари ўртасидаги фарқ нолга тенг бўлганда, бундай натижани берган дисконтлаш коэффициенти лойиҳанинг ички фойда меъёри бўлади. Агар ички фойда меъёри лойиҳа бўйича эҳтимоли бўлган энг кам фойда меъёридан ортиқ бўлса, унда бу лойиҳаларга инвестиция жалб қилиш маъқулдир.

Internally Generated Funds (Funds from Operation): Корхонанинг асосий фаолиятдан тушумлар – операцион фойда (фоизлар ва солиқларни тўлагунга қадар бўлган фойда) плюс амортизация.

Inventories: Товар-моддий захиралар – ишлаб чиқариш соҳасида банд компания учун бу хом ашё, тугалланмаган ишлаб чиқариш, тайёр маҳсулотлар ва эҳтиёт қисмлар.

Inventory Turnover: Товар-моддий захираларнинг айланиши – товар захираларининг реализацияси тезлиги; одатда бу муайян даврдаги сотиш қийматининг ўша даврдаги товар моддий захираларининг ўртача миқдorigа нисбатидир.

Investment Appraisal: Инвестицияларни баҳолаш – бирор бир лойиҳага инвестиция қилиш натижасида келгусида пайдо бўлиши мумкин бўлган харажатлар ва даромадларни баҳолаш. Инвестицияларни баҳолаш ўз ичига таваккалчиликни баҳолаш ва лойиҳанинг таъсир баҳоси, яъни бўлиши тахмин қилинган хатоларнинг бу лойиҳа бўйича қутилаётган натижаларга таъсирини баҳолашни ўз ичига олади. Бундай баҳолаш бу лойиҳага ресурсларни киритиш шартми ёки йўқми шу тўғрида қарор қабул қилишга ёрдам беради (қаранг: *Discounted Cash Flow, Internal Rate of Return, Present Value*).

Investment Bank (US), Merchant Bank (UK): Инвестиция банки (АҚШ), Савдо банки (Буюк Британия) – компаниялардан янги чиқарилган акцияларни қабул қиладиган ва кенг оммага сотишга ҳаракат қилувчи муассаса бўлиб, бунда у фойда олади. АҚШда инвестицион банклар тижорат банклари билан таққослаганда, махсус ҳуқуқий мақомга эга.

Investment Company, Fund: Инвестицион компания, инвестиция жамғармаси – ўз капиталидан бошқа компанияга инвестиция қилиш учун фойдаланадиган компания. Инвестицион компанияларнинг иккита тури мавжуд: очиқ турдаги ва ёпиқ турдаги. Очиқ турдаги инвестицион компаниялар энг қўп тарқалган (қаранг: *Closed-End Investment Company, Fund; Open-End Investment Company, Fund*).

Investments: Инвестициялар – нисбатан узоқ муддатга маблағларни қимматли қўғозларга жойлаштириш, бундай турдаги қимматли қўғозларга эга бўлиш мақсади вақтинчалик ҳаракатсиз нақд пул капитали-

дан фойдаланиш эмас, балки узоқ фойдаланиладиган активларни шакллантиришдир.

Issued Share Capital: Компаниянинг чиқарилган акциядорлик капитали – акциядорларнинг амалдаги амалга оширилган акциядорлик капитали; оддий ва имтиёзли акциялар шаклида бўлиши мумкин.

Issued Stock: Чиқарилган акциялар – компаниянинг барча чиқарилган акциялари. Агар компаниянинг барча чиқарилган акциялари суммасидан портфелдаги хусусий акциялар чиқариб ташланса, муомаладаги акциялар миқдори ҳисоб бўлади (қа.: *Treasury Stock, Outstanding Stock*).

Issuing House (UK): Инвестиция банки (қапанг: *Investment Bank*).

Joint-Stock Company: Акциядорлик компанияси – фойда олиш мақсадида тижорат ёки ишлаб чиқариш фаолиятини юритиш учун тузиладиган юридик шахс; компания капитали алоҳида қисмларга (акциялар ёки пайларга) бўлиниб, улар айрим кишиларга тегишли ва уларнинг кўрсатмаси бўйича бошқа шахсларга берилиши мумкин. Бундай компания капитали катта бўлмаган қисмларга бўлингани учун турли инвесторлар турли қисмларни умумий суммага киритиши мумкин, бунда акцияларнинг миқдори мутаносиб равишда тегишли акциядорлар ўртасида тақсимланади. Акциядорлар директорлар кенгашини сайлашда акциядорларнинг йиллик йиғилишида овоз бериш ҳуқуқига эга бўлиб, компания фаолиятини назорат қиладилар ва компания фаолиятининг бевосита бошқарувини амалга оширадилар.

Journal: Журнал – ҳисоб регистри (рўйхати) бўлиб, унда хронологик равишда барча операциялар қайд этилади. Журналда барча дебетланадиган ва кредитланадиган ҳисоблар қайд этилади ва бу ҳисобларнинг дебет ва кредитига ёзиладиган суммалар кўрсатилади. Ёзувлар кейин асосий бухгалтерия ҳисобига ўтказилади.

LIFO – Last-in, First-out: Товар-моддий захираларни сўнгги харид нархлари бўйича баҳолаш услуги бўлиб, бу услубга кўра товар-моддий захиралардан фойдаланиш уларни сотиб олишга нисбатан тескари тартибда бўлади, охириги бўлиб олинган захиралар биринчи бўлиб истеъмол қилинади ва уларнинг нархи ишлаб чиқарилган маҳсулот таннарахининг ҳисоб-китобида киритилади.

Labor: Ишчи кучи, меҳнат – ишлаб чиқариш омили бўлиб, улар иқтисодий фаолиятга инсонларнинг жисмоний ва ақлий ҳисса қўшишини назарда тутади.

Labor intensive: Меҳнатталаб – шундай ишлаб чиқариш, бунда муайян маҳсулот миқдорини ишлаб чиқаришнинг асосий омили бўлиб ишчи кучи ҳисобланади.

Labour Market: Ишчи кучи бозори – ишчи кучига бўлган талаб ва таклиф асосида иш ҳақи даражаси ва ишга ёлланиш шартлари аниқланадиган бозор.

Lead Investor: Етакчи инвестор – инвесторлар синдикатидаги шундай инвесторки, у инвестициялар соҳаси ва уларнинг тузилмасини аниқлайди ва шундан кейин мазкур битим юзасидан асосий назоратни амалга оширади. Йирик компанияларни сотиб олиш жараёнида компаниянинг хусусий капиталига етакчи инвестор ва компаниянинг қарз маблағларига етакчи инвестор бўлиши мумкин.

Lease: Ижара – қатъий шартли шартномалар бўлиб, ижарага олувчига шундай ҳуқуқ берадики, даврий мукофот ҳисобига активлардан фойдаланиши мумкин. Активларнинг эгаси сифатида эса ижарага берувчи қолаверади. Масалан, бино ва жиҳозларни, товар омборларини, юк машиналарини ижарага бериш.

Ledger: Асосий бухгалтерия ҳисоби – ҳисоблар китоби бўлиб, унда журналдаги ёзувлар қайд этилади (қаранг: *Journal*).

Leverage (ratio) - USA; Gearing (ratio) – UK: Молиявий дастак, қарз маблағларидан фойдаланиш коэффициенти – корхона фойдасининг қарз маблағларидан фойдаланиш даражасига боғлиқлиги, белгиланган қиймат бўйича улар акциядорлар учун қўшимча молиявий дастакни яратади, агарда шундай йиғилган фойда компаниянинг умумий капиталидаги ҳиссасини оширсан. Молиявий дастак қарз капитали суммасининг компаниянинг хусусий акциядорлик капитали суммасига ёки компания ишлатаётган барча капитал суммасига нисбати тарзида ҳисобланади. Узоқ муддатли қарзларнинг ҳиссаси канчалик кўп бўлса, молиявий дастак шунчалик кучли бўлади. Компания акциядорлари молиявий дастакни қўллашдан фойда кўради, қачонки қарз маблағларини жалб этишдан олинган даромад фоизларни тўлаш харажатларидан кўп бўлса. Қарз ресурсларидан фойдаланишда муомалада бўлган акцияларнинг бозор қиймати ошади.

Leveraged (Highly): Қарз капиталининг юқори ҳиссаси – қарздорликнинг хусусий (акциядорлик) капиталига нисбатининг катта миқдори.

Leveraged Buy-Out (LBO): Қарз маблағларини ишлатиш билан сотиб олиш (корхонани) – хусусийлаштириш услубларидан бири бўлиб, компанияга эга бўлиш инвесторларнинг кичик гуруҳи, қўпинча раҳбарият иштироқи, асосан қарз маблағлари ҳисобига амалга оширилади. Камданкам ҳолатда сотиб олинаётган активлар инвесторлар ёки харидор компанияларнинг қарзини қоплайди. Қарзларни тўлаш сотиб олинган компанияга нақд пул тушуми ёки активлар ҳисобига амалга оширилади.

Leveraged Management/Employee Buy-Out (LM/EBO): Карз маблағларини ишлатиш билан менежерлар томонидан сотиб олиш (корхонани) – карз маблағларини ишлатиш билан компаниянинг унинг ходимлари томонидан харид қилиниши. Хусусийлаштириш услубларидан бири.

Liabilities: Мажбуриятлар – кредиторларнинг корхона активларига талаблари ёки, бошқача айтганда, корхонанинг назоратсиз карзи. Мажбуриятларнинг икки тури мавжуд: 1) тўлов муддати бир йилдан кам бўлган жорий, қисқа муддатли мажбуриятлар – кредиторлар ҳисоби, қисқа муддатли карзлар, тўлов муддати жорий ҳисобот даври ҳисобланган узоқ муддатли карз қисми, фойда солиғи ва 2) ўрта ва узоқ муддатли карзларни ва таъминотчилар кредитларини қўшган ҳолда баланс тузилган санадан сўнг тўлов муддати бир йилдан кўп бўлган узоқ муддатли мажбуриятлар.

Limited Liability: Чекланган масъулият – компания эгасининг (акциядорнинг) чекланган молиявий масъулияти бўлиб, у мазкур компания акцияларини сотиб олиш йўли билан компанияга амалда жалб этилган суммаси орқали аниқланади. Бошқача қилиб айтганда, компания акционерлари бу компания карзлари бўйича масъулиятни ўз зиммаларига олишмайди.

Limited Partner: Чекланган шерик – чекланган масъулиятга эга шерик. Чекланган шерикликда бундай шерикнинг масъулияти унинг инвестициялари суммаси билан чекланган ва унинг шерикликни бошқаришдаги ўрни сезиларли эмас (қаранг: *General Partner, Limited Partnership, Partnership*).

Limited Partnership: Чекланган шериклик – шундай шериклики, унда чекланмаган масъулиятли бир ёки бир нечта шахс бир ёки бир нечта шерикларни (чекланган шериклар) ўз ичига олган шерикларни бошқарилади. Чекланган шериклар раҳбариятда ва бевосита корхона фаолиятида иштирок этиш ҳуқуқига эга эмас, улар фақат қўйган капиталлари доирасида масъулиятни ўз зиммаларига олишади (қаранг: *Partnership, General Partner, Limited Partner*).

Liquid: Ликвидли – 1. Агар активларлар нақд пул капиталини ифодаласа, ёки энг кам харажатлар билан ёки умуман харажатларсиз нақд пул капитални шаклига ўтказилса, улар ликвидли ҳисобланади. Одатда активларнинг ликвидлик даражаси тўғрисида гапиришади ва улар активлар қанчалик осон йўл билан нақд пул капиталига айланиши орқали аниқланади. 2. агар корхона айланма капитални сезиларли суммани ташкил этса, у ҳолда корхона ликвидли бўлади.

Liquidation: Тугатиш – 1. Қимматли қоғозлар ёки бошқа активларнинг нақд пул капиталига ўтиш жараёни. 2. Корхона ёки унинг бўлими ёпи-

лиши жараёнида активларнинг сотилиши. Компания фаолиятининг тугатилиши бўлиб, бунда активлар сотилиб ва тўловлар тўланиб бўлинганидан сўнг қоладиган нақд пул маблағлари бўлиб акционерлар ўртасида тақсимланади.

Liquidity: Ликвидли маблағлар, ликвидлик – нақд пул капитали ёки кам йўқотишлар билан нақд пул капиталига айланиш имконияти нуқтаи назаридан нақд пулга яқин бўлган активлар. Компаниянинг жорий мажбуриятларни тўлаш имконияти. Кўпинча қоплаш коэффициенти орқали ўлчанади (қаранг: *Current Ratio, Liquid*).

Liquidity Ratio: Ликвидлик коэффициенти – компаниянинг ликвидли активлари ва жорий мажбуриятлари нисбати. Шунингдек, ликвидлик коэффициенти деб ҳам аталади (қаранг: *Cash Ratio, Liquid*).

Liquidity Ratios: Ликвидлик коэффициентлари – қарздорнинг ўзининг қисқа муддатли мажбуриятларини тўлаш имкониятларини ифодаловчи коэффициентлар. Булар қоплаш коэффициенти, ликвидлик коэффициенти, “лакмус қўғози” ёки ликвидликни “танқидий” баҳолаш коэффициенти (қаранг: *Acid Test, Cash Ratio, Current Ratio*).

Listed Company: Котировка қилинадиган компания – акциялари фонд биржаларидан бирининг котировкасига киритилган компания.

Loan Note: Қарз мажбурияти, нота, вексель – сотувчи томонидан келишувни молиялаштириш шакли ёки кечиктирилган тўловнинг қўриниши. Сотувчи келгусида белгиланган муддатда нота эгасига тўловни амалга оширишга рози бўлади. Нота эгаси тўлов муддати келгунга қадар нотани чегирма билан молиявий ташкилотга сотиши орқали нақд пул маблағларига эга бўлиши мумкин, тўлов муддати келганда эса молиявий ташкилот тўлиқ ҳажмдаги тўловга эга бўлади.

Lock-Out Agreement: Имтиёзли муддат тўғрисидаги келишув – шундай келишувки, унга кўра компанияни сотиб олиш тўғрисидаги битимни тайёрлайдиган гуруҳ шундай муайян вақтга эга бўладики, бу муддат давомида унинг яқка ўзи бошқа сотувчилар томонидан бўладиган рақобатларсиз музокараларни олиб бориши мумкин.

Long-Term Debt: Узоқ муддатли қарздорлик – бир ёки ундан ортиқ муддатдан сўнг тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар. Одатда қарз бўйича фоизлар қарзнинг амал қилиш даври мобайнида даврий равишда тўланади, қарзнинг асосий суммаси эса ўрта муддатли ва узоқ муддатли облигациялар ва ноталар бўйича тўлаш муддати келганида тўланади (қаранг: *Bond, Note*).

Losses: Зарарлар – йўқотилган активлар суммаси, масалан, йўқотиш, ўғирлатиш ёки суд жараёни натижасида пайдо бўлган мажбуриятлар.

Management Buy-In (MBI): Компаниянинг ходимлар томонидан ташқи сотиб олиниши – корхона мулкларига ҳуқуқнинг берилиши, бунда назорат авваллари корхонада ишламаган ва эҳтимол бирга ишламаган бир раҳбарга ёки менежерлар гуруҳининг қўлига ўтади. Одатда битим ташқи менежерлар ва уларни молиявий қўллаб-қувватловчиларнинг корхона хусусий капиталидаги ҳиссасини сотиб олишлари орқали амалга оширилади. Корхонани сотиб олиш бўйича, яъни таваккалчиликни алоҳида менежерлар эмас, балки харидор компаниялар олишига қаршидир.

Management Buy-Out (MBO): Раҳбарият томонидан сотиб олиш (корхонани) – мулк ҳуқуқининг корхонанинг жорий эгалари таркибида ходимлар ва раҳбарлар катта қисми ташкил этган эгалик қилувчиларнинг янги гуруҳига берилиши. Кичик корхоналарни сотиб олишда раҳбарият сотиш даврида ёки келгусида муайян кўрсаткичларга эришиш шarti билан акцияларнинг назорат пакетини қўлга киритишни режалаштириш мумкин. Йирик компанияларни сотиб олишда раҳбариятнинг акцияларнинг назорат пакетига эга бўлиши кам эҳтимолга эга. Баъзи ҳолларда акцияларни сотиб олиш имконияти нафақат корхонанинг юқори раҳбариятига, ўрта табақа раҳбарларига кенгайтирилиши ва тақдим этилиши мумкин. Агар акцияларга эга бўлиш имконияти барча ходимларга тақдим этилса, унда одатда корхонанинг ходимлар томонидан сотиб олиниши деб аталади (қаранг: *Employee Buy-Out*).

Management Team: Раҳбарларнинг ташаббускор гуруҳи – корхонани сотиб олиш бўйича битимларни тузувчи ва уларни амалга оширишда бошчилик қилувчи раҳбарларнинг гуруҳи; одатда компания хусусий капиталининг катта қисмини олишади.

Managerial Accounting, Management Accountancy: Бошқарма ҳисоби – бухгалтерия ҳисобининг усуллари мажмуаси бўлиб, молиявий ҳисобдан фарқли равишда менежерларга асосланган ҳолда ишлаб чиқариш қарорлари, келажакка режалар тузиш ва корхонанинг жорий фаолиятини бошқаришга имкон беради.

Manufacturing Company: Ишлаб чиқариш компанияси – қайта ишлаш саноатида фаолият кўрсатувчи, хом ашёни тайёр маҳсулотга айлантирувчи ва кейин бу маҳсулотни сотувчи компания.

Manufacturing Overhead: Қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари (қаранг: *Production Overhead Cost*).

Margin: Чегара – иқтисодиётда “чегарасида” ибораси кўп ишлатилади, яъни маҳсулотнинг охириги бирлиги қайси даражада ишлаб чиқарилади ёки истеъмол қилинади.

Marginal: Охирги, кўшимча, маржинал – бирор бир нарсанинг кўшимча бирлиги, масалан, охирги (маржинал) харажатлар, охирги фойдалилик ва ҳоказо (қаранг: *Marginal Cost, Marginal Utility*).

Marginal Cost: Маржинал харажатлар – битта кўшимча маҳсулот бирлигини ишлаб чиқариш учун кетадиган кўшимча харажатлар. Ишлаб чиқаришнинг доимий харажатлари маржинал харажатларга таъсир кўрсатмайди. Бу яққол кўриниб турибди, чунки агар кўшимча бирлик маҳсулот ишлаб чиқарилса, доимий харажатлар ўзгармайди ёки айтиш мумкинки, уларнинг ўзгариши нолга тенг. Шундай қилиб, маржинал харажатларга фақат ишлаб чиқаришнинг ўзгарувчан харажатлари таъсир кўрсатади. Фирмалар ишлаб чиқаришни шундай даражада олиб боришадикки, бунда маржинал харажатлар мусбат сон бўлиб, ўсишда давом этади.

Marginal Cost of Funds Schedule: Капиталнинг охирги қиймат графиги – корхона молия капиталининг реал қийматини тавсифловчи график. Идеал бўлмаган капитал бозорида капиталга реал харажатлар фоиз ставкасини ошириб юборади. Фирмалар маблағларининг турли манбалардан ўзларининг инвестицияларини молиялаштириш учун жалб этишади ва молиялаштириш қиймати унинг манбаларига қараб ҳар хил бўлади. Молиялаштиришнинг энг кам қиммат турувчи манбалари – бу корхонанинг тақсимланмаган фойдаси ва унинг амортизацион жамғармаси. Акционерларга акциялар сотиб олиш ҳуқуқи таклифи, кенг сотишга акцияларни кўшимча чиқариш ёки белгиланган фоиз бўйича заём олиш қимматга тушиши мумкин.

Marginal Efficiency of Capital: Капиталнинг охирги (маржинал) самарадорлиги – дисконтлаш коэффициентининг шундай ягона даражасики, бунда асосий активлардан қутилаётган соф тушумлар бу активларнинг таклифи нархи билан тўла мос тушади, лекин бу активлар таклифи нархининг ўсиши содир бўлмайди.

Marginal Efficiency of Investment: Инвестицияларнинг юксак самарадорлиги (ички фойда меъёри) – шундай дисконтлаш коэффициентики, бунда асосий активлардан қутилаётган соф тушумлар бу активларнинг таклиф нархи билан тўла мос тушади, бунда шу назарда тутиладики, қисқа муддатли истикболда бу нарх ўса бошлайди (қаранг: *Marginal Efficiency of Capital*).

Marginal Product: Маржинал маҳсулот – муайян ишлаб чиқариш омилининг кўшимча бирлигини ишлатиш ҳисобига кўшимча маҳсулот чиқариш. Шундай қилиб, бу атама қайси ишлаб чиқариш омили назарда тутилганлигига қараб аниқланиб олиниши лозим, масалан, ишчи кучининг маржинал маҳсулоти, капиталнинг маржинал маҳсулоти ва ҳоказо.

Marginal Revenue: Маржинал даромад – чиқарилаётган маҳсулотнинг битта қўшимча бирлигини сотиш ҳисобига фирма оладиган даромад умумий суммасининг қўпайиши. Товарнинг бозор нархига таъсир кўрсата олмайдиган кичик фирмалар учун қўшимча олинган даромад суммаси сотиш нархига тенг бўлади. Агар фирма бозорда катта улушга эга бўлса (монополия), бозорга қўшимча маҳсулот бирлигини чиқариш бозор нархининг кичик миқдорда тушишига олиб келади. Шундай қилиб, қўшимча даромад қўшимча маҳсулотнинг сотилишидан олинган нақд пул маблағлардан бунгача бозорда мавжуд бўлган, нисбатан баланд нархларда сотилиши мумкин бўлган барча маҳсулотларни сотишдаги зарарларнинг айирмасига тенг (қаранг: *Market Power, Monopoly, Perfect Competition*).

Marginal Revenue Product: Ишлаб чиқаришдан олинган маржинал даромад – бирор бир ишлаб чиқариш омилининг битта қўшимча бирлигидан фойдаланиб олинган маҳсулотнинг сотилишидан фирма оладиган даромад. Ишлаб чиқаришдан олинган маржинал даромад қуйидагиларга боғлиқ: а) муайян ишлаб чиқариш омилининг ўсиши ҳисобига маҳсулот чиқаришнинг физик ортишига; б) ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотиш нархига; в) бу қўшимча маҳсулот бозорга чиқарилганда, сотиш нархи қандай миқдорда тушишига. Ҳисоб-китоб учун маржинал маҳсулот маржинал даромадга қўпайтирилиши лозим (қаранг: *Marginal Product, Marginal Revenue*).

Marginal Utility: Юксак фойдалилик – товарнинг битта қўшимча бирлигининг истеъмолидан қўшимча қаноат қилиш, бунда қолган барча истеъмол товарлари миқдори ўзгармайди.

Market: Бозор – товарнинг зарур миқдори ва нархини аниқлаш учун сотувчи ва харидорларнинг ўзаро муносабати. Баъзи бозорлар, масалан, фонд биржаси муайян жойлашиш ўрнига эга, бошқа бозорлар эса телефон алоқаси ёки компьютер тармоғи ёрдами билан мавжуд бўлиши мумкин.

Marketable Securities: Осон сотиладиган қимматли қоғозлар – қимматли қоғозлар, акциялар ва облигациялар бўлиб, компания нақд пул капиталидан максимал фойдаланиш учун уларни бозорда эркин сотиши ва сотиб олиши мумкин, бунда компания фоиз олиши ва бошқа мақсадлар учун зарур бўлса яна нақд пулга айлантириши мумкин. Шу нарса назарда тутиладики, бу бир йил давомида нақд пулга айланадиган қимматли қоғозлар; жорий (қисқа муддатли) активларнинг бир қўрилиши.

Market Capitalization: Бозор капитализацияси – компаниянинг муомалага чиқарилган акцияларининг умумий қиймати бўлиб, у битта акция бозор қийматининг муомаладаги акция миқдorigа қўпайтмаси орқали ҳисобланади.

Market Economy: Бозор иқтисодиёти – шундай иқтисодиётки, бунда ресурсларнинг тақсимлашга тегишли бўлган “нима?”, “қандай?” ва “ким учун?” саволларига жавоб бозорда талаб ва таклиф орқали аниқланади. Бундай иқтисодда фирмалар максимал фойдага интилишади, ишлаб чиқариш омилларини сотиб олади ва тайёр маҳсулот сотади. Муайян даромадга эга аҳоли бозорга чиқади ва товарларга талабни аниқлайди. Кейин фирмалар томонидан товарлар таклифи ва аҳоли томонидан талаблар нисбати бозорда турли товарлар миқдори ва нархларининг даражасини аниқлайди.

Market Failure: Бозорнинг ҳаракатсизлиги – назоратсиз бозорда бозор механизмларининг салбий таъки омиллар ва ички камчиликлар натижасида жамият фойдасига бозорнинг ишлаб туришини таъминлашга қодир эмаслиги (қаранг: *Externalities*).

Market Forces: Бозор кучлари – эркин бозор иқтисодиётида ресурсларнинг тақсимланиши ва нархни аниқлайдиган талаб ва таклифнинг ўзаро муносабати.

Market Power: Бозорга таъсир этиш даражаси – фирма ёки фирмалар гуруҳининг муайян тармоқда ишлаб чиқариш ҳажми ва нархини аниқлаш бўйича қарорларнинг қабул қилинишига кўрсатадиган таъсир даражаси. Монополия шароитида фирма бозорга юқори таъсир кўрсатиш даражасига эга. Соф рақобат шароитида алоҳида фирмалар бозорга таъсир эта олмайдилар. Бозорда таъсир кўрсатиш даражаси концентрация коэффиценти орқали аниқланади (қар.: *Concentration Ratio*).

Market Share: Бозордаги улуш – муайян тармоқ маҳсулотларини чиқаришда фирма ёки фирмалар гуруҳининг улуши.

Market Structure: Бозор тузилмаси – бозорнинг ташкилий тавсифи бўлиб, у рақобат табиати ва нархларнинг шаклланишига, корхонанинг хатти-ҳаракатлари ва иқтисодий кўрсаткичларига таъсир этиши.

Market Value: Бозор қиймати – активларни (мулкни) бозорда сотиш орқали олиш мумкин бўлган сумма.

Marketing: Маркетинг – сотиш функциялари, реклама, маҳсулот номенклатурасини тақсимлаш, режалаштириш ва бозорни тадқиқ қилиш.

Markup Pricing: Баҳони ошириш услуги – нархларнинг шаклланиш услуги бўлиб, идеал бўлмаган бозорда кўп фирмалар томонидан ишлатилади. Нарх белгилаш учун мазкур услубдан фойдаланишда ўртача харажатлар аниқланади, кейин эса бу харажатларга белгиланган фоиздаги қўшимча баҳо қўшилади (қаранг: *Perfect Competition*).

Matching Concept: Мувофиқлик концепцияси – бухгалтерия ҳисоби концепцияси бўлиб, унга биноан харажатлар ўша ҳисобот давридаги тушумлар билан муносабатда бўлади.

Materiality Concept: Моддийлик концепцияси – бухгалтерия ҳисоби концепцияси бўлиб, унга кўра майда-чуйда номоддий ҳодисаларни ҳисоб-китобга киритиш шарт эмас, лекин барча муҳим, моддий ҳодисаларни ҳисобда акс эттириш шарт.

Merchandising Company: Савдо фирмаси – бошқа компаниялардан олинган товарларнинг савдоси билан шуғулланувчи компания; чакана ёки улгуржи савдо билан шуғулланувчи компания.

Merchant Bank (UK): Инвестиция банки (қаранг: *Investment Bank*).

Merger: Бирлашиш – ягона янги компанияни шакллантириш мақсадида иккита алоҳида корхоналарнинг бирлашиши (активларнинг бирлашиши). Бирикиш бир компаниянинг бошқа компания моддий активларини ёки акцияларининг назорат пакетини сотиб олишини ифодалайди. Бирикишнинг асосий турлари – бу (1) вертикал бирикиш бўлиб, у фирмалар ишлаб чиқариш жараёнининг турли босқичларида (масалан, темир рудаси қазиб чиқариш ва пўлат ишлаб чиқариш) турган бўлса, у содир бўлади, (2) горизонтал бирикиш бўлиб, бунда икки фирма битта ва айнан ўша бозор учун маҳсулот ишлаб чиқаради, (3) конгломератларнинг ташкил этилиши бўлиб, бунда бозорда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ҳолда фаолият кўрсатувчи фирмаларнинг бирикиши содир бўлади.

Minority Interest: Камчилик улуши – акцияларнинг назорат пакетига эга бўлмаган ташқи акциядорларнинг акциядорлик капиталидаги улуши; ўхшаш компаниялар акциядорларининг капитали; кўшма ҳисоботларда “хусусий капитал” моддаси бўйича амалга оширилади.

Mixed Economy: Аралаш иқтисодиёт – шундай иқтисодиётки, бунда ресурсларни тақсимлаш бўйича бир қатор қарорлар хусусий компаниялар томонидан ва алоҳида оила даражасида қабул қилинса, баъзи қарорлар эса ҳукумат томонидан қабул қилинади. Бошқача қилиб айтганда, бу шундай иқтисодиётки, у иқтисодий фаолиятга мослашиш учун қисман ҳукумрон механизмларга таянади.

Moderate Inflation: Меъёрий инфляция (қаранг: *Inflation*).

Mondragon-Type Enterprise: Мондрагон типдаги корхона – бу ном Испаниядаги Басқлар провинциясидаги Мондрагон шаҳри номига қўйилган. Корхонанинг кооператив шакли бўлиб, унинг бутун мулки ходимларига тегишли ҳисобланади.

Monetary Assets: Пул активлари – нақд пул маблағлари ва векселлар.

Money Market: Қисқа муддатли капитал бозори; пул бозори – депозит сертификатлари, тижорат қўғозлари, акцептлар, хазина векселлари, дисконт облигациялари каби қисқа муддатли қарз мажбуриятлари бозори.

Money-Measurement Concept: Пул ўлчови концепцияси – ҳисоб ҳужжатларида фақат пулда ҳисоблаб бўладиган далиллар қайд этилади. Шундай қилиб, бухгалтерия ҳисоби ҳўжалик бирлиги ҳолати тўғрисида ва ҳар томонлама ҳисобот бера олмайди.

Monitoring: Мониторинг – компанияни сотиб олиш бўйича битимда кўзланган мақсадларга эришиш йўлида раҳбарият фаолиятининг инвесторлар томонидан назорат қилиниш жараёни. Мониторинг директор кенгашига инвесторлар вакилини киритишни, доимий ҳисоботларни қабул қилиш, инвесторларга бошланғич даврдаги мавжуд муаммоларни аниқлаш ва вақтида зарур чора-тадбирларни кўришга имкон берувчи мажлислар ўтказишни ҳам ифодалайди. Бундай жараён корхона раҳбариятига янги ҳоялар ва шартномаларга ўтиш, шунингдек, инвестиция ташкилотларидан ёрдам олиш имконини беради.

Monopolistic Competition: Монополистик рақобат – бозорнинг шундай тузилмасики, бунда кўпгина сотувчилар бўлиб, улар ўхшаш товарларни таклиф этишади, бироқ улар бир-бирининг мутлақ ўринбосари ҳисобланмайди. Бундай бозорда ҳар бир фирма ўз маҳсулотининг нархига таъсир кўрсата олади.

Monopoly: Монополия – шундай бозорки, бунда муайян бир товар бўйича фақат битта сотувчи (биргаликда қарор қабул қилувчи сотувчилар гуруҳи) мавжуд.

Monopsony: Монопсония – шундай бозор ҳолатики, бунда фақат битта харидор ёки биргаликда қарор қабул қилувчи харидорлар гуруҳи мавжуд бўлади.

Mortgage: Гаров хати, гаров кредити – юридик қелишув бўлиб, унга кўра активлар мулки шартли равишда ссуда берувчига қарзни қоплаш мақсадида берилади, қарз тўлангач, у ўз қучини йўқотади. Қурилиш жамоалари ёки суғурта компаниялари айрим қишилар ёки компанияларга сотиб олинаётган уй нархининг бир қисмини тақдим этади ва қарз тўлангунга қадар бу мулк ссуда берувчига гаров сифатида туради.

Mortgage Payable: Қопланиши лозим бўлган гаров – ссуда бўйича қўчма мулк гарови билан таъминланган мажбуриятлар.

Multy-Product Firm: Кўп тармоқли фирма – турли товар ва хизматларнинг икки ёки ундан ортиқ турини ишлаб чиқарувчи корхона.

Mutual Fund: Ўзаро жамғарма – акциядорлар капиталини тўловчи ва уни акциялар, облигациялар, молиявий воситалар ва ҳоказоларга жойлаштирувчи инвестиция компаниялари томонидан бошқариладиган жамғарма.

Natural Business Year: Табиий хўжалик йили – иш фаоллиги нисбатан паст даражада бўлган пайтда тугалланадиган йил. Баъзи хўжалик фаолиятининг субъектлари учун календарь йили эмас, балки табиий хўжалик йили ҳисобот даври ҳисобланади.

Natural Monopoly: Табиий монополия – одатда ўзгача табиий шарт-шароитларга боғлиқ тармоқда энг самарали ишлаб чиқарувчи монополия ҳисобланади. Табиий монополиялар кўпинча коммунал хизматлар соҳаси ва унга ўхшаш тармоқларда юзага келади.

Net Benefit: Соф фойда – хусусий фаолиятдан олинган маблағлар (операцион фойда + амортизация).

Net Book Value: Қолдиқ баланс қиймати (қаранг: *Book Value*).

Net Cash Flows: Нақд пул маблағларининг соф тушумлари, соф эркин маблағлар, соф хусусий маблағлар – дивидендлар тўланганидан кейинги фойда ва амортизация ажратмаларининг йиғиндиси.

Net Income: Соф фойда – ҳисобот давридаги жами тушумларнинг ўша даврдаги харажатлардан ошган суммаси. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг “якуний сатри”.

Net Income Percentage: Сотиш долларига соф фойда коэффиценти – фойданинг умумий савдо ҳажмига нисбати.

Net Loss: Соф зарарлар – ҳисобот даврида харажатларнинг тушумлардан ортиши, манфий соф фойда.

Net Present Value (NPV): Соф жорий (келтирилган/ дисконтланган) қиймат – инвестицияларни баҳолаш услуги бўлиб, унга кўра танланган дисконтлаш коэффиценти кўллаган ҳолда келгусида корхонанинг асосий фаолиятдан башорат қилинган тушумлар (фойда) ва мос нақд пул харажатларининг (масалан, инвестиция қиймати) келтирилган (дисконтланган) қиймати ҳисобланади. Назарда тутилган барча соф тушумларнинг (фойданинг) келтирилган (жорий) қийматидан қутилаётган нақд пул харажатларининг келтирилган қийматининг айирмасига тенг. Агар уларнинг фарқи мусбат бўлса, соф келтирилган қиймати ҳам мусбат бўлади ва лойиҳа ҳам қабул қилинадиган даражада бўлади (қаранг: *Discounted Cash Flow, Internal Rate of Return, Present Value*).

Net Working Capital: Соф ишлаётган (айланма) капитал (қаранг: *Working Capital*).

Net Worth: Компаниянинг хусусий капитали – барча мажбуриятларни ҳисобга олган ҳолда корхонанинг баланс қиймати. АКШда кўпроқ “акциядорларнинг хусусий капитали” атамаси афзал кўрилади. а) Барча мажбуриятлар чиқариб ташланганидан кейин активларнинг йиғиндиси

ёки б) тўланган акциядорли капитали ва тақсимланмаган фойданинг суммаси тарзида ҳисобланади.

New Money: Янги пуллар, қўшимча қарз – қарзни қайта ташкиллаштириш жараёнида кредитор ташкилот таклиф қилаётган қўшимча молиялаштириш. Кредитни пролонгациялашдан, яъни қайта молиялаштиришдан фарқлаш лозим (қаранг: *Roll-Over*).

Newco: Янги компания – сотиб олинаётган янги компания раҳбарияти ва бу компания ёки зарур активларнинг харидини амалга ошириш учун молиявий қўллаб-қувватловчилар томонидан тузиладиган янги компанияни ифодалайдиган атама.

Non-Business Organization: Нотижорат ташкилоти – муниципалитетлар, касалхоналар, диний ва фаолияти даромад топишга йўналтирилмаган бошқа ташкилотлар.

Non-Current Assets: Узоқ фойдаланиладиган активлар, узоқ муддатли активлар – компания томонидан бир йилдан ортиқ фойдаланилиши кутилаётган активлар.

Non-Current Liability: Узоқ муддатли мажбуриятлар – бир йилдан ортиқ муддат ўтгандан сўнг тўланиши лозим бўлган мажбуриятлар. Моҳиятига кўра қарз капитали (қаранг: *Debt Capital*).

Non-Executive Director: Назоратчи директор – компания директори бўлиб, тақсимловчи директорлар гуруҳига кирмайди ва корхона фаолиятининг кунлик оператив раҳбарлик масъулиятини олмайди. Компанияни сотиб олиш битимини амалга оширишда инвесторлар уларнинг қизиқишларига риоя қилиш учун назоратчи директорни тайинлашади; бундай назоратчи одатда бозорда компаниянинг олди-сотди операциялари соҳасида махсус билим ва малакага эга бўлади.

No-Par-Value Stock: Белгиланган номиналсиз акция – номинал белгиланмаган оддий акция. Бу акциялар бухгалтерия ҳисобида шартли қабул қилинган қиймат бўйича акс этади (қаранг: *Stated Value*).

Note: Вексель – тўловни ёзма тасдиқлаш.

Note Payable: Тўланиши лозим бўлган вексель – белгиланган сумманинг тўланишини тасдиқловчи ёзма мажбурият. Кредиторлик қарзининг тури.

Note Receivable: Олиниши лозим бўлган вексель – ёзма қарз мажбуриятлари (вексель) билан тасдиқланган дебиторлик қарзининг суммаси.

Objectivity Concept: Холислик концепцияси – бу шундай тамойилки, унга кўра бухгалтерия ҳисоби битимни амалга ошириш билан боғлиқ белгиланган далилларга асосланиши лозим. Баҳолаш ёки ҳисоб-китоб микдорларини татбиқ қилиш талаб қилинганда бухгалтерни ҳисоб-китобларда ҳолис бўлиш зарурлиги тўғрисида огоҳлантиришади.

Obsolescence: Эскириш, маънавий эскириш – мукаммал жиҳозларнинг ишлаб чиқилиши, услубининг ўзгариши ёки активларнинг жисмоний (физик) жиҳатларига алоқаси бўлмаган бошқа сабаблар натижасида активлар фойдалилигининг йўқолиши. Бу жиҳоз эскиришининг сабабларидан бири, бошқаси унинг жисмоний эскириши ҳисобланади.

Oligopoly: Олигополия – бозорнинг шундай тузилмаси, бунда битта тармоқда бир нечта рақобатчи фирмалар етакчилик қилади, ҳеч бўлмаганда улардан бири етакчи фирма бўлиб, бу тармоқдаги маҳсулотнинг сезиларли қисмини ишлаб чиқаради.

Open-End(Investment) Fund, Company(OEIC), Mutual Fund, Unit Trust: Очик турдаги инвестиция компанияси – доимо ўз акцияларини сотадиган ва сотиб оладиган инвестиция компанияси бўлиб, бунда у уларни баланс қийматига савдо устамаси қўшилган нархда сотса, кичик чегирма ёки баланс қийматида сотиб олади.

Opinion Letter: Аудитор хулосаси – аудитор томонидан тақдим этиладиган ва тузилган молиявий ҳисоботларнинг адолатлиги тўғрисидаги унинг фикрларини ўз ичига олган ҳужжат.

Opportunity Cost: Чиқариб юборилган фойда қиймати, муқобил харажатлар – иқтисодий ресурслардан фойдаланишнинг фойдалилиги бўйича кейинги вариантнинг амалга оширилишида олинадиган қиймат ёки қўлдан кетган муқобил имконият қиймати. Демак, айтиш мумкин, бир тонна қўмир қазиб олиш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш омилларидан фойдаланишнинг энг мақбул варианты бу 10 бушель бўғдой этиштириш учун улардан фойдаланишдир. Бунда 1 тонна қўмир ишлаб чиқаришда қўлдан кетган фойда қиймати ишлаб чиқарилиши мумкин бўлган 10 бушель бўғдойни ташкил этади. Муқобил харажатлар миқдори соғлом агроф-муҳит ва аҳоли хавфсизлиги каби бозорда сотилмайдиган товарларни баҳолашда айниқса муҳим аҳамият касб этади.

Option: Опцион – сотувчи ва харидор ўртасидаги келишув бўлиб, агар унинг эгаси қимматли қўғозларни келишилган муддат давомида белгиланган нарх бўйича сотиб олиш ёки сотишни қарор қилса, унга ҳуқуқ беради. Опцион биржада дилердан сотиб олиниши мумкин ҳамда у харидорга белгиланган вақт мобайнида муайян нарх бўйича акцияларнинг маълум миқдорини харид қилиш ҳуқуқини беради, масалан, 3 ойлик опцион. Агар ушбу муддат давомида нархларнинг пасайиши опцион қийматидан ошса, у ҳолда дилер зарар қўради, харидор эса фойда олади ва аксинча. Колл – бу харид қилиш опциони, пут – сотиш опциони, ҳам харид қилиш, ҳам сотиш ҳуқуқини берувчи опцион иккиламчи опцион деб аталади.

Ordinary Shares (U. K.): Оддий акциялар (қаранг: *Common Stock-U. S.*).

Other Assets: Бошқа активлар – мулкка ва жиҳозларга яқин бўлган узоқ муддатли активлар.

Other Paid-in Capital: Бошқа тўланган капитал – акцияларнинг номинал ёки шартли равишда қабул қилинган қийматининг кўтарилишида инвесторлар томонидан тўланган сумма (қаранг: ***Paid-In Capital, Per Value, Stated Value***).

Outstanding Stock: Муомаладаги акциялар – инвесторлар қўлидаги акциялар, яъни компания портфелидаги акцияларни ҳисобга олган ҳолда барча чиқарилган акциялар.

Overhead Costs (Production Overhead Costs): Қўшимча харажатлар – хом ашё ва ишчи кучига бевосита харажатлардан фарқли равишда ишлаб чиқариш ҳажмига бевосита боғлиқ бўлмаган операцион харажатлар. Уларга техник хизмат кўрсатиш, майда тузатиш ва ишлаб чиқариш билан яқин боғлиқ харажатлар, шунингдек, фирманинг бош идорасини сақлаш харажатлари, яъни умумий қўшимча харажатлар. Ер ижараси, бинолар амортизацияси, моддий-техника таъминоти, маҳсулот сотиш харажатлари ва маъмурий харажатлар қўшимча харажатлар ҳисобланади.

Overhead Rate: Қўшимча харажатлар меъёри – ишлаб чиқарилган маҳсулотга қўшимча харажатларга нисбатан ишлатиладиган меъёр (қаранг: ***Overhead Costs***).

Owners' Equity: Акционерларнинг хусусий капитали – акционерларнинг компания активларига нисбатан талаби. Корпорацияда хусусий капитал акционерлик капитали ва тақсимланмаган фойдадан иборат.

Package of Accounting Reports (Report Package): Молиявий ҳисобот ҳужжатлари пакети – ҳисобот даврининг боши ва охиридаги баланс бўлиб, бу муддат учун фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисобот ва бошқа бир қатор ҳисобот шакллари.

Paid-in Capital: Тўланган (акционерлик) капитал – акцияларга айир-бошлаш учун инвесторлардан олинган капитал. Тўланган капитални тақсимланмаган фойда ҳисобига пайдо бўлган ёки текинга олинган капиталдан фарқлаш лозим. Акцияларнинг номинал ёки шартли равишда қабул қилинган қийматининг ошишидан акционерлардан олинган сумма бошқа тўланган капитал деб номланади.

Parent: Бош компания, ўз навбатида, битта ёки ундан ортиқ компанияларни назорат қилувчи компания, шунинг учун у овоз бериш ҳуқуқига эга бўлган акцияларнинг 50%дан ортиғига эга. Назорат қилинаётган компания шўъба компанияси деб номланади.

Participating Shares: Иштирок этиш ҳуқуқини берувчи акциялар – имтиёзли акциялар ва имтиёзга эга оддий акцияларнинг муайян синфи

бўлиб, уларнинг эгалари имтиёзли акциялар бўйича дивидендлар тўлаганидан сўнг қолган фойдадан белгиланган миқдори доирасида қўшимча дивидендлар олишлари мумкин.

Partnership: Шериклик – компания икки ёки ундан ортиқ шахслардан иборат бўлиб, улар ўзларининг капитали, имконияти ва қобилиятларини битта корхонага бирлаштиришади. Таваккалчилик, фойда ва зарарларни келишилган миқдорда бўлиб олишади. Ҳамкорлар шериклик қарзлари бўйича тўлиқ шахсий мажбуриятларни ўз бўйниларига олишади. Бироқ чекланган шерикликда ҳамкорларнинг бир қисми дастлабки киритилган капиталнинг чекланган суммасининг мажбуриятини ўз бўйига олади. Бундай ҳамкорлар шерикликни бошқариш қарорларини қабул қилишда иштирок этмайди. Одатда асосий ҳамкорнинг ўлими шериклик фаолиятининг тугалланишига олиб келади (қаранг: *General Partner, Limited Partner, Limited Partnership*).

Par Value: Номинал, номинал қиймат – акцияларнинг номинал ёки эркин қиймати бўлиб, компаниянинг акционерлик капиталидаги ҳиссасидан иборат бўлади. АҚШда акциялар қийматини кўрсатиш муҳим аҳамиятга эга эмас, бошқа мамлакатларда эса у муҳим роль ўйнайди.

Patent: Патент – кашфиётдан фойдаланиш устидан назорат қилиш учун махсус ҳуқуқ бўлиб, муайян қонун билан ихтирочига тақдим этилади. Патентлар вақтинчалик монополияларга олиб келади ва улар ихтирочилик фаолиятини рағбатлантириш шакли ҳисобланади. Патент алоҳида шахслар ўртасида ёки кичик фирмаларда ихтироларни рағбатлантиришнинг асосий воситаси ҳисобланади.

Payback Period, Payout: Кетган харажатларни чиқариш даври – у ёки бу лойиҳага инвестиция қилинган сумманинг бу лойиҳанинг асосий фаолияти натижасида олинган маблағлар ҳисобига тўлиқ қайтиб келиши учун зарур бўлган вақт.

Pension Fund: Пенсия жамғармаси – ўзининг ишчиларига нафақа тўлаш учун корпорациялар, қасаба уюшмалари, давлат идоралари ёки бошқа ташкилотлар томонидан тузиладиган жамғарма. Пенсия жамғармалари сезиларли маблағларни тўплайди ва акциялар ҳамда облигациялар бозорида йирик инвесторлар ҳисобланади ва шунинг учун бу бозорларда талаб ва таклиф нисбатига жиддий таъсир кўрсатади. Пенсия жамғармаларининг инвестиция портфелларида олинadиган фойдага солиқ одатда кечиктирилади.

Pension Scheme: Пенсия жамғармаларига ажратилган маблағлар дастури – корхона сотиб олиш бўйича битимларнинг энг муҳим элементи. Ишчиларнинг нафақа ҳуқуқларини пухта ўрганиб чиқиш сотиб

олиши жараёнида уларнинг қўллаб-қувватлашларига эга бўлишининг муҳим омили бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, агар корхонада корхона ишчиларининг пенсия жамғармаларига маблағлар ажратиш дастури мавжуд бўлса, унда мулк шакли ўзгаришида бу дастурнинг аниқ баҳоси талаб қилинади. Пенсия жамғармаларига маблағлар ажратишнинг кўпайиши ёки камайиши хусусийлаштириш келишувида нархларни аниқлаш жараёнида назарда тутилиши лозим. Агар пенсия жамғармаларига тўловлар ҳисоб-китоб китобига тўлиқ олинмаса, унда уларни тўлаш бўйича мажбуриятлар натижада сотиб олинган корхона-ни етарлича мураккаб вазиятга солиб қўяди.

Percentage: Фоиз – муайян сонни бошқа сонга бўлиб, 100 га кўпайтириш натижасида олинадиган сон. Фойда ва зарарлар тўғрисидаги ҳисоботнинг моддалари одатда ишлаб чиқарилган маҳсулот ёки хизматларни сотишдан олинган фойдага нисбатан фоизларда ифодаланади.

Perfect Competition: Соф рақобат – бозорнинг шундай тузилмаси, бунда кўп сонли фирмалар кўп сонли харидорларга бир турдаги маҳсулотни сотади; тармоқда янги фирмаларнинг пайдо бўлиши ва бу тармоқдан фирмаларнинг кетишига ҳеч қандай тўсиқ йўқ; барча ишлаб чиқарувчилар ва харидорлар нархлар тўғрисидаги тўлиқ маълумотга эга бўладилар; мавжуд фирмалар бу тармоқдаги янги фирмаларга нисбатан устунликларга эга бўлмайди. Барча фирмалар бозорда мавжуд нархларни қабул қилади, уларнинг ҳар бирида талабнинг соф эгри эластиклиги мавжуд ва уларнинг ҳар бири мавжуд нархлар бўйича маҳсулот сотишни хоҳласа, шунча маҳсулот сотишади.

Period Costs: Жорий давр харажатлари – умумий савдо-сотиқ ва маъмурий фаолият билан боғлиқ бўлган харажатлар. Ўз моҳиятига кўра, муайян маҳсулот ишлаб чиқаришнинг бевосита харажатларига зид келади (қаранг: *Product Costs*).

Permanent Account: Доимий ҳисоб – баланснинг алоҳида моддаси бўйича ҳисобга олиш амалга ошириладиган ҳисоб бўлиб, у ҳисоб даври охирида ёпилмаслиги учун шундай номланади. Ўз моҳиятига кўра вақтинчалик ҳисобларга зид келади.

Permanent Capital: Доимий капитал – компаниянинг узоқ муддатли мажбуриятлар ва хусусий капитали суммаси.

Perpetual Inventory: Заҳираларни узлуксиз ҳисобга олиш – моддий ишлаб чиқарилган захираларнинг ҳар бир моддаси бўйича қийматларни ҳисобга олиш, олинган, ишлатилган ва нақд мавжуд бўлган материалларнинг миқдори ва қийматининг доимий ҳисобга олиниши.

Perpetuity: Тўловларнинг доимийлиги – ҳар йили чексиз давом этадиган вақт давомида (ёки тенг вақтлар оралиғида) олинадиган доимий бир хил сумма.

Physical Inventory: Заҳираларни физик ҳисобга олиш тизими, инвентаризация – муайян даврда физик ҳисоб (инвентаризация) жараёнида олинadиган, нақд мавжуд бўлган моддий ишлаб чиқариш заҳираларининг миқдорини ҳисобга олиш.

Placing: Жойлаштириш – институционал инвесторларга акциялар чиқарувчи компаниялар номидан иштирок этувчи молиявий воситачилар томонидан янги чиқарилган акцияларнинг сотилиши. Акцияларни бевосита жойлаштиришнинг бундай услуги реклама қилиш билан боғлиқ эмас ва савдога акцияларни таклиф қилиш бўйича бошқа харажатларни талаб қилмайди, шунинг учун янги акциялар чиқариш бўйича харажатлар катта бўлмаган компаниялар учун минимумга айланади. Лекин биржада сотиш учун мўлжалланган акциялар учун бундай услубни қўллаш баъзи чекловлар билан боғлиқ.

Plan Assets: Ишлаб чиқариш активлари – ердан ташқари, барча узоқ муддатли моддий активлар.

Portfolio Theory: Портфель назарияси – молия ва молия иқтисодиётини бошқариш тармоғи бўлиб, у активларнинг самарали бирлашишининг, яъни муайян таваккалчилик даражасида қутиладиган эфтимолдаги фойдани ёки муайян қутиладиган фойда меъёрида таваккалчиликнинг энг паст даражасини таъминладиган портфелнинг танлови билан боғлиқ.

Posting: Ҳисобларни ёпиш бўйича проводкалар – журналдан битимлар тўғрисидаги ёзувларнинг асосий бухгалтерия китоби ҳисобига кўчирилиши.

Precollected Revenue: Келгуси давр даромадлари (қаранг: *Advances from customers*).

Preference Shares (U.K.): Имтиёзли акциялар (қаранг: *Preferred Stock-U.S.*).

Preferred Stock – U.S (Preference Shares – U.K.): Имтиёзли акция – унинг эгасига оддий акция эгаси билан таққослаганда, имтиёзли ҳуқуқ бериб, у қарз фоизлари тўланганидан сўнг дарҳол дивиденд олади. Одатда дивидендларнинг чекланган белгиланган миқдорига ва овоз беришда чекланган ҳуқуққа эга. Қўпинча имтиёзли акциялар овоз бериш ҳуқуқсиз чиқарилади.

Preoperating Expenses: Ишга туширишгача бўлган харажатлар – инвестицион лойиҳани шакллантириш ва унинг ишга тушишининг бошланишигача бўлган харажатлар; қўпинча капиталга айланади, балансда “бошқа активлар” моддасида кўрсатилади; корхонанинг (лойиҳа) ишга туширилиши бошланганидан сўнг бир нечта ҳисобот даври мобайнида харажатларга кўчирилади.

Prepaid Expenses: Тўланган аванс, олдиндан тўланган харажатлар – келажакда харажатлар бўладиган хизматлардан фойдаланилганда но-

моддий активлар учун умумий атама. Масалан, олдиндан тўланган суғурта.

Present Value: Жорий, келтирилган қиймат – мос дисконтлаш коэффициенти асосида муайян лойиҳанинг бутун фаолияти давомида тушган тушумларнинг камайтирилган қиймати ёки жорий қийматга келтирилиши. Лойиҳанинг жорий қиймати бу лойиҳанинг дисконтланган пул оқимининг суммаси тарзида ҳисобланади ва бу лойиҳанинг фойдалилиги бошқа лойиҳалар билан таққослаш учун кўрсаткич сифатида фойдаланилади. Жорий қиймат услуги, шунингдек, дисконтланган пул оқимлари услуги деб ҳам номланади ва у корпоратив молияларда лойиҳага капитал қўйилмалардан тушган фойдани аниқлаш учун кенг фойдаланилади. Қимматли қоғозларга инвестиция қилишда бу услуб келажакда муайян суммани қўлга киритиш учун бугун қандай суммани киритиш лозимлигини аниқлашда қўлланилади.

Price-Earning Ratio (P/E Ratio): “Нарх/фойда” коэффициенти – акцияларнинг бозор нархи муайян даврда битта акцияга фойда суммасига нисбати бўлиб, қуйидаги формула орқали ифодаланади: битта акциянинг бозор нархи / битта акциядан олинган фойда.

Price Ratchet: Нархнинг келгуси фойда билан мослиги (қар.: *Earn-Out*).

Primary Market: Бирламчи бозор – янги, биринчи марта муомалага чиқарилган қимматли қоғозлар сотиладиган бозор.

Principal: Қарзнинг асосий (капитал) суммаси – фоизларни ҳисобга олмганда, тўланиши лозим бўлган олинган қарз суммаси. Тўланиши лозим бўлган умумий сумма асосий сумма ва фоиз тўловларидан иборат бўлади.

Private Company: Хусусий акционерлик компанияси, ёпиқ турдаги акционерлик компанияси – ўз акцияларини кенг аҳолига тақдим эта олмайдиган акционерлик компанияси, лекин бунда қонун билан зарур минимал капитал ўрнатилмайди. Акцияларни ўтказиш одатда фақат компаниянинг бошқа аъзолари розилиги билан амалга оширилади. Бундай шакл кичик корхоналар учун қулайдир. Капиталнинг кенгайса ёки капиталга эhtiёж ортса, унда у очик турдаги акционерлик капитал шаклига ўтиши мумкин (қаранг: *Public Company*).

Private Sector: Хусусий сектор – ишлаб чиқариш воситаларига мулкчилик ва шунингдек, қарорлар қабул қилиш ҳуқуқи хусусий фирмалар ва алоҳида оилалар доирасида бўлган иқтисодиётнинг ҳиссаси.

Privatization: Хусусийлаштириш – мулкчиликнинг давлатдан шахсий қўлларга ўтиши. Корхонани биратўла сотиш ёки иштирок этиш (пай) ҳиссасини сотиш орқали амалга оширилади. Шунингдек, бу атама иқтисодиётнинг бирор тармоғида хусусий мулк ҳиссасининг ортиши

жараёнида ҳам ишлатилади. Бошқа тушунчаларда ҳам қолдиқ фойдага назорат ёки бу фойдага ҳуқуқнинг ўтишига урғу берилади.

Producer Goods: Ишлаб чиқариш воситалари – бошқа товар ва хизматлар ишлаб чиқаришда фойдаланиладиган товарлар. Шунингдек, оралик товарлари деб номланади. Зид категория – истеъмол воситалари ёки истеъмол товарлари.

Product Costs: Маҳсулот таннари, тўлиқ харажатлар – аниқ бир маҳсулот ишлаб чиқаришда хом ашё, ишчи кучига бевосита харажатлар ва қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари. Ўз моҳиятига қўра муайян давр харажатларига зид келади (қаранг: *Period Costs*).

Product Differentiation: Маҳсулот дифференциацияси – маҳсулотни ўхшашлиги ичида ажратишга интилиш, лекин битта тармоқдаги чиқариладиган мутлақ ўхшаш маҳсулотлар ичида эмас, масалан, кир ювиш кукунлари ёки машиналар ишлаб чиқаришда. Соф рақобат шароитида муайян тармоқда ҳар бир мол етказиб берувчи мазкур тармоқ маҳсулоти бир хил эмас деган таҳминга асосланиши ва ўзи учун мазкур маҳсулотга бозор нархи билан таққослаб мукофот билан бирга нарх белгилаш имкониятини яратиши ва нисбатан юқори фойда олиши мумкин.

Production Overhead Costs: Қўшимча ишлаб чиқариш харажатлари – хом ашё ва ишчи кучига бевосита харажатлардан ташқари маҳсулот ишлаб чиқариш билан боғлиқ бўлган харажатлар. Масалан, раҳбарият биноларини сақлаш ва энергия харажатларини ўз ичига олади (қаранг: *Overhead Rate*).

Productivity: Унумдорлик – товар ва хизматларнинг чиқарилган миқдори ва бунга фойдаланилган ишлаб чиқариш омиллари ўртасидаги нисбат. Бу маҳсулот чиқариш учун капитал ва ишчи кучидан фойдаланишнинг умумий иқтисодий самарадорлигининг кўрсаткичи ҳисобланади, шунингдек, унумдорликнинг умумий омили деб номланади. Унумдорлик одатда ишлаб чиқариш омиллари миқдорининг ўзгариши ва нисбий кўрсаткичлардан фойдаланган ҳолда чиқарилган маҳсулот миқдорининг ўзгариши ўртасидаги нисбат орқали аниқланади. Масалан, меҳнат унумдорлиги (ўртача) (ишлаб чиқарилган маҳсулотнинг) иш вақтининг бир соатида ишлаб чиқарилган маҳсулот миқдори билан аниқланади.

Professional Adviser: Профессионал маслаҳатчи – компанияни сотиб олиш борасида эксперт бўлмаган раҳбарларнинг ташаббускор гуруҳи учун хусусийлаштириш келишувининг мақбул шартларини олишнинг муҳим шакли. Бундай келишувлар бўйича музокараларда маслаҳатчи сифатида одатда бухгалтерлар ва ҳуқуқшунослардан фойдаланилади. Шунингдек, ҳаётий мақбул келишувга эришишдаги техник муаммоларни ҳал этишда суғурта, мулк билан операциялар ва ҳоказолар муҳим роль ўйнайди.

Profit, Earnings, Income: Фойда – бу атамалар ўзаро ўринбосарлар бўлиб, даромадлардан харажатларнинг айрилганлигини ифодалайди.

Profit Margine Percentage: Фоизларда ифодаланган фойда кўрсаткичи – савдонинг соф ҳажмидан тушган, фоизларда ифодаланган соф фойда.

Profit and Loss Statement: Фойда ва зарар тўғрисидаги ҳисобот (қаранг: *Income Statement*).

Profit-Taking: Фойда реализацияси (эга бўлиш) – қиймати ошган акцияларнинг биржадаги савдоси, факат акцияларни сотиш билан уларнинг қиймати ошишидан келган фойдани реализация қилиш мумкин. Уларнинг ўсиш давридан сўнг акциялар бозор нархининг пасайиши кўпинча фойданинг реализация жараёни билан тушунтирилади.

Promissory Note: Қарз мажбурияти, оддий вексель – қарздорнинг кредиторларга бериши керак бўлган суммага ёзма иқдор бўлиши. Олиш учун векселлар кредитор (қарз берувчи) китобидан, тўлов учун векселлар қарз олувчи китобидан ўтказилади.

Proprietorship: Хусусий фирма, якка эгалик қилиш – битта шахсга тегишли бўлган уюшмаган (акцияларни кенг савдога чиқармайдиган) компания.

Prospectus: Проспект – кенг савдога қимматли қўғозлар таклифи ва қарздор тўғрисида барча зарур маълумотларни ўз ичига олган ҳужжат. Бу ҳужжат тегишли юридик муассасалар ўртасида, биржаларда ва салоҳиятли инвесторлар ўртасида тақсимланади.

Public Company: 1. Давлат компанияси – давлатга тегишли ва ҳукуматнинг махсус қарори билан ташкил этиладиган компания; 2. Очиқ турдаги акционерлик компанияси – муайян давлат қонунчилиги талабларига мувофиқ равишда рўйхатга олинган компания бўлиб, у ўз акцияларини аҳолига кенг савдога таклиф қилади. Агар компания биржа талабларига жавоб берса, унинг акциялари биржада рўйхатга олиниши мумкин ва шу билан биржада муомалада бўлади (қаранг: *Private Company*).

Public Enterprise: Давлат корхонаси, давлат тадбиркорлиги – 1. Активлари давлатга тегишли бўлган ва давлат ёки унинг ишончли вакиллари томонидан бошқариладиган корхона. 2. Бозорда давлат сектори томонидан амалга ошириладиган иқтисодий фаолият.

Publicly Held Corporation (U. S.) – Акциялар билан кенг эгалик қилувчи компания – акциялари эркин сотиладиган ва кенг оммага очиқ бўлган компания. АҚШда бундай компанияларни ташкил этиш қимматли қўғозлар ва биржалар бўйича комиссия томонидан назорат қилинади.

Public Offering – Кенг савдога қимматли қўғозларни таклиф қилиш – кенг савдога қимматли қўғозлар чиқаришнинг бирламчи таклифи.

Quick Assets – Осон сотиладиган активлар – товар-моддий захиралар чиқариб ташланган жорий активлар. Шунингдек, “ликвидли” активлар деб ҳам номланади, чунки атама нақд пул капиталига айланиши мумкин бўлган активларга тегишли.

Rate of Inflation – Инфляция суръати (даражаси) (каранг: *Inflation*).

Rate of Return: Фойда меъёри – 1. Капиталга олинган ва бу капиталдан фоиз сифатида ифодаланган ўрта йиллик соф фойда. 2. Компания томонидан олинган соф фойданинг инвестиция капиталининг суммасига нисбати.

Ratio: Коэффициент, нисбат – бир соннинг бошқаси бўлиш натижаси.

Realization: Реализация, чиқариш (каранг: *Exit*).

Realization Concept: Сотиш (реализация қилиш) концепцияси – амалий эҳтимолга эга микдордаги товар етказилганда ва/ёки хизмат кўрсатилганда даромад сотиш бўйича ҳисобда акс эттирилади.

Recapitalization/Re-Financing: Қайта капиталлаштириш, қайта молиялаштириш – қарздорликни сўндириш ёки капиталлаштириш муддатларини ўзгартириш имкониятига эга бўлиш мақсадида сотиб олинаётган корхонанинг дастлабки молиявий тузилмасининг ўзгариши, масалан, корхона қарзни ўз вақтида тўлаш учун етарли маблағларга эга эмас ёки қўшимча инвестицияларга муҳтож. Шунингдек, қайта капиталлаштириш дастлабки инвесторларга сотиб олинаётган корхонадан, гарчи у яхши натижалар бераётган бўлса ҳам, чиқиш имкониятини беради, бироқ раҳбарият акцияларни бозорга чиқариш ёки уларни бошқа компания ёки молиявий гурўҳга бевосита сотишга интилмайди.

Recognition: Икдор бўлиш (ҳисобда акс этиш) – муайян ҳисобот даврида даромад ёки харажатларнинг ҳисобда акс этиши. Даромадга икдор бўлиш реализация концепцияси томонидан назорат қилинади.

Redeemable Shares: Сотиб олинган ёки муомаладан чиқарилган акциялар – компания ёки акционер хоҳиши ёки томонлама хоҳиш бўйича сотиб олинishi мумкин бўлган акциялар. Одатда бундай акциялар тарқатилиши лозим бўлган фойда ёки акцияларни янги муомалага чиқаришдан олинган, қарз мажбуриятларини сотиб олишда ишлатилиши мумкин бўлмаган маблағлар ҳисобига сотиб олинади. Корхона сотиб олишда молиялаштирувчи ташкилотлар шундай акцияларга ёзилиши мумкинки, у чиқиш имкониятини тахт қилиб, уладан раҳбарият қўлидаги акциялар микдорининг ўзгариши тўғрисидаги изоҳлар ҳаракатининг механизми сифатида фойдаланишни таъминлайди (каранг: *Equity Ratchet, Exit*).

Registered Security: Рўйхатга олинadиган қимматли қоғозлар - мазкур қимматли қоғозга эгалик ҳуқуқини олишда ва эгалик ҳуқуқини бош-

қасига беришда унинг чиқарилган компаниясида рўйхатдан ўтказилиши талаб қилинади.

Regulation: Тартибга солиш – фирманинг ҳатти-ҳаракатини назорат қилиш учун мўлжалланган давлатнинг қонун ва қоидалари. Тартибга солишнинг асосий қўринишлари – бу иқтисодий тартибга солиш (қайсики нархларга, янги корхоналарнинг пайдо бўлиши ва бозорга чиқиш, алоҳида тармоқ томонидан тақдим этилаётган хизматларга тааллуқли, масалан, телефон хизмати) ва ижтимоий тартибга солиш (унинг ёрдамида субъектларнинг муайян фаолиятига боғлиқ бўлмаган ва атроф-муҳитга фаолиятнинг турли қўринишларининг таъсирларини тузатишга уриниб қўрилади, масалан, атрофдаги ҳаво ва сувнинг ифлосланиши).

Rental Revenue: Ижарадан олинган даромад (тушум) – муайян бир шахсга бинолар ва/ёки бошқа мулклардан фойдаланишга рухсат берилгани учун компенсация сифатида олинadиган тушумлар.

Report Package: Молиявий ҳисоботнинг ҳужжатлари пакети (қаранг: *Package of Accounting Reports*).

Residual Claim: Қолдиқ талаблар – инвесторларнинг корхона активларидан хусусий капитал сифатида фойдаланиш талаби. Компания тугатилаётганда инвесторлар хусусий капитал сифатида ходимларнинг иш Ҳақлари бўйича кредиторлар ва имтиёзли акциялар эгаларининг талаблари қондирилганидан сўнг қол–ган активлар Ҳисобига компенсацияга эга бўлади.

Residual Value: Қолдиқ қиймат – активларнинг (асосий капиталнинг) фойдали хизмат муддати охирида уларни сотишдан олишни мўлжаллаётган сумма.

Retained Earnings: Тақсимланмаган фойда – акционерлар ўртасида дивидендлар қўринишида тақсимланмайдиган ва корхонага қайта инвестиция қилинадиган соф фойданинг бир қисми. Бу акционерлар хусусий капиталининг бир қисми: активларга тегишли эмас.

Return on Equity(ROE): Хусусий капитал фойдаси – соф фойда суммасини компаниянинг хусусий капитал суммасига бўлиш натижасида олинadиган коэффициент.

Return on Investment(ROI): Инвестиция фойдаси – фоизлар ва солиқлар тўлангунга қадар бўлган фойда узоқ муддатли мажбуриятлар ва хусусий капитал суммасига бўлинади. Шунингдек, доимий капитал қайтариш коэффициентлари деб ҳам номланади (қаранг: *Return on Permanent Capital*).

Return on Owners' Investment: Хусусий (инвестиция қилинган) капиталнинг қайтариш коэффициентлари – соф фойда суммасини акционерлар томонидан инвестиция қилинган капитал суммасига бўлиш натижасида олинadиган коэффициент.

Return on Permanent Capital: Доимий капиталнинг кайтариш коэффиценти – фоиз ва солиқларни тўлагунга қадар бўлган фойда суммасини доимий капитал (узоқ муддатли мажбурият ва хусусий капиталнинг йиғиндиси) суммасига бўлиш орқали олинадиган фоиз.

Revaluation Surplus: Қайта баҳолашдан олинадиган даромад – асосий капитал кийматини қайта баҳолаш жараёнида пайдо бўлади ва бу билан мустақил модда сифатида хусусий капиталнинг бир қисмига айланади. Бунда фойда оширилмасдан балансда тузатишлар амалга оширилиши мумкин.

Revenues: Даромад, тушум – товар ва хизматларнинг савдоси ҳисобига корхона кийматининг ўсиши.

Risk: Таваккалчилик – 1. Умумий маънода бу шундай вазиятки, бунда келгусидаги ҳодисалар эҳтимоли амалда содир бўладиган ҳодисалар сонидан ошиб кетади ва бунда уларнинг эҳтимоллик даражаси аниқланиши мумкин. Эҳтимоллик даражаси номаълум бўлса, таваккалчилик ноаниқликдан фарқ қилади. 2. Фойданинг инвестицияга вариантлиги меъёри. Бошқача қилиб айтганда, активлардан олинган амалдаги фойда қутилаётган фойдадан сезиларли фарқ қилиши эҳтимоли бор.

Risk Aversion: Таваккалчиликдан қутулишга интилиш – ноаниқ истикбол билан таққослаганда, бироқ аниқ таваккалчиликда қутилаётган натижани бериши мумкин бўлган юқори даражали аниқликка эга юқориқ кийматли истикболни тан олиш. Таваккалчиликдан қутулишга интилаётган шундай одамлар борки, улар у ёки бу даражадаги таваккалчилик фаолияти билан шуғулланишади, агарда қутилаётган фойда улар дуч келишга мажбур бўладиган таваккалчиликни қоплаш учун етарлича юқори бўлса. Шунингдек, таваккалчиликка нисбатан нейтрал одамлар ҳам мавжуд.

Risk Capital: Таваккалчилик капитали – қимматли қўғозларга қиритилган узоқ муддатли инвестиция ёки юқори ёки нисбатан юқори таваккалчиликка эга корхоналар жуда юқори фойда қутаётган янги корхоналар. Баъзи инвестициялардан хусусий капиталга ёки дивидендлари компания оладиган фойдага боғлиқ бўлган оддий акцияларга қиритишда фойдаланилади.

Roll-Over: Қайта молиялаштириш, ролловер – 1. Олдинроқ чиқарилган қарзлар бўйича асосий қарзни қоплаш учун янги қарз облигацияларини чиқариш. 2. Шунингдек, бу атама кредитни узайтириш маъносида ҳам ишлатилади; одатда янги ссудалар эскилар ўрнига ёки эски облигациялар янгисига айирбошланади.

Sale and Leaseback: Сотиш ёки қайта ижара – корхонада мавжуд уни сотиб олиш ва уни ижарага беришдан кейинги сотиш. Шундай қилиб, сотиб

олинган корхонани молиялаштириш учун маблағлар бўшатилади. Эфтимол мулк шаклида бўлган катта миқдордаги активларга эга компания учун маъқул вариант бўлиши мумкин, лекин бошқа томонларнинг молиялаштириш бўйича таъминлаш билан боғлиқ бўлган низолар келиб чиқиши мумкин.

Sales Income: Сотишдан тушган фойда – баъзан бу атама сотишда келган тушумларни (даромадларни) ифодалашда қўлланилади. Бу янгилишмовчиликларга олиб келади, чунки фойда бу сотишдан тушган фойда ва харажатлар ўртасидаги фарқдир.

Sales Revenue: Сотишдан (реализация қилишдан) олинган даромад (фойда) – товарлар савдоси ва хизмат кўрсатишдан олинган фойда (даромад).

Salvage Value, Scrap Value: Тугатиш қиймати – асосий капитал элементининг иқтисодий асосланган фойдали муддатининг охиридаги ҳисоб-китоб (баҳолаш) қиймати.

